БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 220 (451)

5 НОЯБРЬ ШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Яшасин ва яшнасин Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча дўстлиги — кўпмиллатли социалистик давлатимиз куч ва қудратининг манба'и!

(«Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллиги муносабати блан КПСС Марказий Комитетининг Чақириқлари»дан).

Совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи

Коммунизм қураётган ижодкор халқимиз Улуғ Октябрь социэлистик революциясининг шонли 38 йиллигини буюк меҳнат кўтаринкилиги блан, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати атрофига ҳарқачонгидан ҳам мустаҳкам жипслашган ҳолда кутиб олмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқлари совет кишиларининг сиёсий активлигини ва меҳнат ғайратини янада ошириб юборди. Мамлакатимиз меҳнаткашлари партиямиз Чақирилигига жавобан бугун кечагидан, эртага бугунгидан ҳам унумли ва баракали меҳнэт қилмоқдалар. Бепоён Ватанимиз бўйлаб коммунизм қуручиларининг илҳомбахш ижодий меҳнати қайнамоқда.

Улуғ айём кунларида, октябрь байрами бўсоғасида КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидаги қуйидаги оташин сўзлар яна зўр салобат ва чуқур мазмун блан жаранглаб эшитилади:

— Яшасин коммунизм қуриш учун курашда совет халқининг улуғ илҳомлантирувчи ва раҳбар кучи — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Партия! Бу оддий сўзда дун'ё, дун'ё мэзмун ва матонат бор. СССР халқларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясида қозонган оламшумул-тарихий ғалабасидан тортиб то ҳозирги кунгача қўлга киритган барча ютуқлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг эзиз ва му'табар номи блан чамбарчас боғлэнгандир. Шунинг учун ҳам биз байрам кунларида Коммунистик партия раҳбарлигида босиб ўтилган шонли йўлга яна бир карра фахр блан назар соламиз, бутун фикри-зикримизни, ҳис ва туйғуларимизни ана шу жонажон партияга қаратамиз, коммунизм қурилиши йўлида янги ғалабаларга эришиш учун ундан яна битмас-туганмас илҳом ва мадад оламиз.

Коммунистик партия халқимизни янги ғалабаларга етакловчи, илҳомлантирувчи, онгли тарихий-ижодий ишларга отлантирувчи улуғ ташкилотчи ва раҳбар кучдир, замонамизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждонидир. Бундан ярим аср илгари гениал Ленин томонидан тузилган ва чиниқтирилган шонли Коммунистик партия ҳозир ўсиб, гигант кучга, ишчи ва деҳқонларнинг дун'ёда биринчи социалистик давлатига раҳбарлик қилаётган қудратли партияга айланди.

Коммунистик партия ишчилар синфи блан меҳнаткаш деҳқонларнинг иттифоқини уюштириб, 1917 йилдаги Октябрь революцияси натижасида капиталистлар ҳокимиятини ағдариб ташлашга, пролетариат диктатурасини барпо этишга, капитализмни йўқотишга, кишининг-киши томонидан эксплуатация қилинишини тугатишга эришди ва мамлакатимизда социалистик жамият қурилишини та'минлади. Совет халқи партиямиз кўрсэтган йўлдан бориб, Россияни қолоқ аграр мамлакатдан тарихий жиҳатдан қисқа муддат ичида илғор, индустриэлашган, қишлоқ хўжалиги коллективлашган, мэданияти мислсиз тараққий этган қудратли социалистик давлатга айлантирди. Мустаҳкам қудрат ва буюк ижодий кучга тўлган Улуғ социалистик Ватанимиз эндиликда бутун дун'ёга курашиш, ғалаба қилиш ва яшашнинг олижаноб намуналарини кўрсатмоқда.

Мэмлакатимизда қарор топган ва тобора мустаҳкамланиб бораётган ишчилэр синфи блан колхозчи деҳқонларнинг бузилмас иттифоқи социалистик давлат куч-қудратининг асосидир. Бу иттифоқ туфайли вужудга келган совет тузуми меҳнатканг омманинг ижодий ғайрат ва ташаббусларини барқ уриб ривожлантириш, уларнинг лаёқат ва қобилиятларини рўёбга чиқариш учун кенг йўл очиб берди.

— Яшасин ва мустаҳкамлансин ишчилар синфи раҳбарлиги остида ишчилар синфи блан колхозчи-деҳқонларнинг иттифоқи — Совет тузумининг барқарор негизи!

Коммунистик партия раҳбарлигида амалга оширилган Улуғ Октябрь социалистик революцияси тарихда биринчи бўлиб миллий зулм кишанларини парчалаб ташлади ва ленинча-сталинча миллий сиёсатни — халқлар эзодлиги, тенгҳуқуқлиги ва дўстлиги сиёсатини амалга оширди: илгари эзилган халқларнинг иқтисодий ва маданий қолоқлигини тугатди. Ватанимиздаги бэрча миллатларни СССР халқларининг ягона қардошлик оиласига жипслаштирди.

Чор Россияси ва маҳаллий хонлар, беклар томонидан асрлэр давомида азоб-уқубат чекиб келган ўзбек халқи Коммунистик партиянинг иродаси блан, Улуғ Октябрь ғалабаси туфайли қуллик ва ҳуқуқсизликдан, қашшоқлик ва азоб-уқубатлардан абадий халос бўлди. Партия ўзбек халқига социализм йўлидан боришнинг кенг истиқболларини очиб берди. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгари чор Россиясининг энг қолоқ ва чекка ўлкаларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон ҳозир сэноати, қишлоқ хўжалиги ва маданияти юксак даражада ривожланган илғор республикагэ, социализмнинг Шарқдаги маш'алига айланди.

— Яшасин ва яшнасин Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча дўстлиги — кўпмиллатли социалистик давлатимиз куч ва қудратининг манбаи!

Коммунистик партиянинг буюк раҳбар ва етакчи куч эканлиги Улуғ Ватан урушининг оғир синов кунларида бутун жаҳонгэ янада равшанроқ кўринди. Мамлакатимизнинг шон-шарафи ва мустақиллиги учун олиб борилган шиддатли жангларда партиямиз халқ блан янада қэрдонлашиб кетди, фашист босқинчиларга карши умумхалқ курашининг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлиб майдонга чиқди. Совет халқи Коммунистик партиянинг доно рэҳбарлиги остида Улуғ Ватан урушида ғолиб чиқди, ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолди, инсонларни фашизм қуллиги хавфидан халос этди.

Коммунистик партия — ғалэбаларимиз илҳомчиси вэ ташкилотчисидир. Мамлакатимиз меҳнаткашлари партиямиз сиёсатининг тўғрилигини, бу сиёсатнинг халқ моддий ва маданий эҳтиёжларини максимал дарэжада қондиришга, социалистик Ватанимизнинг қудратини янада кучайтиришга қаратилган сиёсат эканлигини кўпйиллик тарихий тажрибада кўриб ишондилар. Шунинг учун ҳам халқимиз ўзининг жонажон партиясига чексиз ишонэди ва унга чин кўнгилдан астойдил муҳаббат қўйган. Бизда партия ва халқ бир-биридан ажралмас, ягона кучдир, партия манфаатлэри блан халқ манфаатлари бирдир.

Областимиз меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революцияси шарафига, КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани янадэ кучайтириб юбордилар. Ишчилар, колхозчилар ва совет интеллигенциялари XX с'ездни халқ хўжалигини янада зўр бериб ривожлантириш учун курашда янгидан-янги меҳнат муваффақиятлари блан кутиб олиш учун курэшмоқдалар. Партиямизнинг шонли XX с'езди коммунизм қуриш учун курашнинг буюк йилномэсига энг муҳим давр бўлиб киради. Бу с'езд Коммунистик партия раҳбарлиги остида совет халқи эришган оламшумул-тарихий ғалабаларнинг якунларини тўплайди ва коммунизмнинг нурли чўққилари сари эзбардаст қадам ташлаб олга боришнинг улуғвор истиқболларини белгилаб беради.

Кўпмиллатли ва кўпмиллионли қаҳрамон совет халқини доҳолик блан ғалабадан-ғэлабага бошлаб бораётган Коммунистик партия совет кишиларининг бахтли, фаровон ва кувноқ ҳаёти тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўзининг асосий вазифаси деб билади. Халқ ўзининг доно йўлбошчисига—бизнинг давлат кемамизни бэрча бўронлар ва довуллар ичидан олиб ўтиб, буюк ишонч ва қат'ият блан коммунизм сари бошлаб бораётган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига абадий миннатдорчилик изҳор қилади.

— Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Коммунистик партия ва Совет Ҳукумати товарагига янада мустаҳкам жипслашайлик, бутун куч ва ижодий ғайратимизни коммунистик жамият қуришдан иборат буюк ишга сафарбар қилайлик!

— Маркс — Энгельс — Ленин — Сталин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин блан Бирма Иттифоқи Бош Министри У Нунинг биргаликда чиқарган баёнотини имзолаш маросими

3 ноябрьда Катта Кремль Саройида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин блан Бирма Иттифоқи Бош Министри У Нунинг биргаликда чиқарган баёнотини имзолаш маросими бўлди.

Биргаликда чиқарилган баёнот текстлари қўйилган стол ёнигэ кечқурун соат 6—45 минутда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва Бирма Иттифоқи Бош Министри У Ну келадилар. Улар бэёнот текстини имзолайдилар, бир-бирларининг қўлларини қаттиқ қисадилар.

Баёнотни имзолаш вақтида совет томонидан: Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, Н. С. Хрушчев, А. Б. Аристов, П. Н. Поспелов, СССР Министрлэр Совети Раисининг ўринбосари А. Н. Косигин, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари В. А. Зорин ва Н. Т. Федоренко, СССРнинг Бирмадаги Фэвқулодда ва Мухтор Элчиси А. Д. Шчиборин ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Бирма томонидан: Бирманинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси У Монг Он, Бирманинг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси У Хла Маунг, Бирманинг Буюк Британиядаги Фавқулоддэ ва Мухтор Элчиси У Чин, Бош Министр Секретари У Тан, полковник Аунг Джи, У Хла ва У Нве ва СССРда меҳмон бўлиб турган бирмали журналистлар группаси ҳозир бўлдилэр.

Совет ва чет эл матбуотининг вакиллари ҳам ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин блан Бирма Иттифоқи Бош Министри У Нунинг биргаликда чиқарган баёноти

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумэтининг таклифига биноан, Бирма Иттифоқи Бош Министри У Ну яхши ният визити блан Совет Иттифоқига келди. Бош Министр У Ну СССРда бўлган вақтида Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. З. Сабуров ва Н. С. Хрушчев блан бирқанча суҳбэтларда бўлди. Дўстона ва самимий вазиятда ўтган шу суҳбатлар вақтида ҳар иккала мамлакатни қизиқтируччи масалалар устида кенг равишда фикр олишинди, шунингдек ба'зибир халқаро проблемэлар муҳокама қилинди.

СССР Министрлар Советининг Раиси блан Бирма Иттифоқининг Бош Министри шуни қайд қиладиларки, бутун дун'ёдаги тинчликсевар халқларнинг самарали ишлари натижэсида кейинги вақтларда халқаро кескинлик бирмунча юмшади ва ҳал қилиш пайти келган халқаро проблемаларни мэзокаралар олиб бориш ва битимга келиш йўли блан ҳал этишга интилиш кучайди. Аввало Кореядаги урушнинг ва Ҳинди-Хитойдэги уруш ҳаракатларининг тўхтатилганлиги, Австрия блан Давлат Шартномаси тузилганлиги; СССР блан Югославия ўртасида муносабатлар нормаллашиб, ҳар иккала мамлакат ўртасида дўстликни ва ҳэмкорликни ривожлантириш учун йўл очганлиги; Ҳиндистон Бош министри Ж. Нерунинг Совет Иттифоқига келиб кетганлиги ва бунинг натижасида СССР блан Ҳиндистон ўртасидаги дўстона муносабатлэрнинг янада кўпроқ мустаҳкамланганлиги кескинликни мана шундай юмшатишга ёрдэм берди.

Осиё ва Африка мамлакатларининг шу йил апрель ойида Бандунгдэ бўлиб ўтган конференцияси ҳалқаро кескинликни камайтириш учун катта аҳамиятга эгэ бўлди. Бу конференция шу хилдаги конференцияларнинг биринчиси бўлди ва унда турли сиёсий ва социал системалардаги дэвлатларнинг вакиллари умумий мақсадга эришмоқ — янада тўлиқроқ иқтисодий-маданий ва сиёсий ҳамкорликни ривожлантирмоқ учун учрашдилар. Конференция Осиё ва Африка халқларининг тинчликка, миллий мустэқилликка, экономика, маданият ва социал ҳаёт соҳасида тараққиётга эришишга оғишмай интилаётганликларини акс этдирди.

Мана шуларнинг ҳаммаси ўтгэн давлат ҳукуматлари Бошлиқларининг Женевадаги Кенгашини муваффэқиятли ўтказиш учун кулай вазият вужудга келтирди, бу Кенгаш давлатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган кескинликни янада юмшатиш ишида муҳим роль ўйнади. Ҳукуматлэр Бошлиқларининг Женева Кенгаши ҳозирги вақтда тинчлик манфаатларини кўзлаб ҳалқаро миқ'ёсда ҳамкорлик қилиш бемалол мумкин бўладиган иш эканлигини кўрсатди. Давлатлар ўртасида ишонч ўрнатиш рўёбга чиқариш мумкин бўлган реал мақсаддир.

Министрлар Советининг Раиси ва Бош Министр, ташқи ишлар министрларининг ҳозирги вақтда Женевадэ бўлаётган Кенгаши тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқларининг директиваларида кўрсатиб ўтилган ҳамма масалалар устида бамаслаҳат қэрорга келмоқ учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўрадилар, деб умид билдирадилар.

Қуролсизланиш проблемаси ҳозирги вақтдаги энг муҳим ҳалқаро проблемаларнинг биридир. Зўр бериб қуролланиш ва айниқса атом, водород қуролларини ҳамда ялпи қирғин қуролларининг бошқэ турларини тўплаш йилдан-йилга тобора кенг миқ'ёсда давом этмоқда, халқларда тинчлик тақдири учун, ўз келажаклари учун хэвотирлик туғдирмоқда.

Оддий типдэги қурол-яроғларнинг, шунингдек атом қуролининг кўпайиб бораётганлиги миллий ресурслэрнинг унумсиз сарфланишига сабаб бўлмоқда, зўр бериб қуролланиш тўхтатилганда эди, бунинг натижасида миллий ресурслардан халқларнинг фаровонлигини ошириш манфаатлари йўлида фойдэланиш мумкин бўлур эди.

Министрлар Советининг Раиси ва Бош Министр Ядро ва термоядро қуролини ишлаб чиқариш, синаш ва ундан фойдаланиш ҳечшубҳасиз тэқиқланиши лозим деб ҳисоблайдилар. Шунингдек оддий типдаги қурол-яроғларни ёппасига анча камайтириш зарур. Шу блан бир вэқтда бундай тақиқлаш вэ қуролсизланишнинг амалга оширилиши устидан самарали ҳалқаро контроль ўрнатилиши лозим. Шу муносабат блан қурол-яроғларни ёппасига камайтириш, атом қуролини тақиқлэш ва янги уруш хавфини йўқотиш тўғрисидаги таклифлар бу масала устида битимга келмоқ учун реал асос бўладигэн таклифлар деб ҳисобланади.

Министрлар Советининг Раиси ва Бош Министр блоклар тузиш сиёсатини якдиллик блан қоралайдилар ва блокларга кирмаслик сиёсати ҳалқларгэ хавфсизликни та'минлайди ва бутун дун'ёда тинчликни ўрнатиш ишида ижобий роль ўйнайди, деб э'тироф қиладилар.

Министрлар Советининг Раиси ва Бош Министр ҳозирги вақтда Осиё ва Узоқ Шарқ проблемаларига алоҳида э'тибор берилиши лозим деб ҳисоблайдилар. Хитойнинг азалги территорияси бўлган Тайваньни ва бошқа бирқанча ороллэрни хитой халқига қайтариб бериш масаласи ҳал қилиниши лозим. Хитой Халқ Республикасига Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги ўз ҳаққи бўлган ўринни бериш Бирлашган Миллатлар Тэшкилотининг обрўйини ва аҳамиятини мустаҳкамлаган бўлур эди, унинг халқаро ҳаётдаги ролини кучайтирган бўлур эди ва Узоқ Шарқда ҳали ҳэм давом этиб келаётган кескинликни юмшатишга ёрдам берган бўлур эди.

Ҳинди-Хитойдаги сиёсий аҳволни 1954 йилдаги Женева конференциясининг қэрорларига мувофиқ равишда бартараф қилиш проблемаси кечиктирилмай ҳал қилиниши талаб қилмоқда. Мана шу ҳэмма масалалар ва шунингдек Осиё ва Узоқ Шарқнинг бошқа проблемалари тинч воситалар блан, мэзокаралар олиб бориш йўли блан ҳал қилиниши мумкин вэ лозим.

Министрлар Советининг Раиси ва Бош Министр Совет Иттифоқи блан Бирма ўртасидаги муносабатлар ҳамиша самимий ва дўстона муносэбатлар бўлиб келганлигини, бу эса Бирма ва СССР халқларининг мэнфаатларига тўла равишда мос бўлиб тушаётганлигини ҳамда умумий тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам бераётганлигини каттэ мамнуният блан қайд қиладилар. Бу муносабатлар территориал бутунликни ва суверенитетни ўзаро ҳурмэтлаш, ҳужум қилмаслик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, тинч тотув бўлиб яшаш вэ иқтисодий ҳамкорлик қилишдан иборат мустаҳкам принципларга эсосланмоқда ва бундан буён ҳам шу принципларга асосланади.

Кўп дэвлатлар ва ҳалқлар томонидан э'тироф қилинган бу принциплар тинчликни мустаҳкамлашга ва ҳалқлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган принциплардир.

Министрлэр Советининг Раиси ва Бош Министр катта ва кичик давлатлар ўртасидаги муносабатлар мана шу принципларга асосланиши лозимлигига ғоят катта аҳамият берадилар.

Министрлар Советининг Раиси вэ Бош Министр тинч тотув бўлиб яшаш тўғрисида ушбу баёнотда э'лон қилинган принциплар Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Бирма Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантирмоқ учун кэтта имкониятлар очиб беради деб ҳисоблайдилар. Министрлар Советининг Раиси ва Бош Министр, бундан бироз вақт муқаддам СССР блан Бирма ўртасида тузилган савдо битими Совет Иттифоқи блан Бирма Иттифоқи ўртасида иқтисодий алоқэларни янада ривожлэнтиришга, шунингдек улар ўртасидаги маданий ва илмий-техника ҳамкорлигини кенгайтиришга кўп ҳиҳатдан ёрдам беради, деб ишонч билдирадилар.

Министрлэр Советининг Раиси ва Бош Министр СССР блан Бирма ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамламоқ учун, улар ўртасидаги жуда қалин алоқаларни ривожлантирмоқ учун бутун куч ва ғайратни сарфлашга ўзларининг тайёр эканликларини билдирадилар.

Министрлар Советининг Раиси ва Бош Министр ўз ўрталаридэ шахсий алоқа ўрнатилганлигига ўзларининг мамнун бўлганликларини билдирадилар ва ҳар иккала мэмлакатни ўзаро қизиқтирган масалалар устида фикр олишув бўлганлиги бутун дун'ёда тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларига хизмат қилади деб ҳисоблайдилар.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. БУЛГАНИН.

Бирма Иттифоқи Бош Министри У НУ.

Москва 1955 йил, 3 ноябрь.

Совет Иттифоқи блан Бирма Иттифоқи ўртасидаги дўстликка бағишланган митинг

3 ноябрьда Союзлар уйининг Колонна залида Совет Иттифоқи блан Бирма Иттифоқи ўртасидаги дўстликка бағишланган митинг бўлди. Бирма Иттифоқи ва СССРнинг Давлат байроқлари блан безатилган залда пойтахт корхоналарининг ишчилари, олимлар, маданият арбоблари, студентлардан иборат икки мингдан кўпроқ киши тўпланди. Митингда Москвадаги четэл дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари, Бирма ҳукумати ҳарид миссиясининг а'золари, совет ва четэл журналистлари ҳозир бўлдилар.

Бош Министр У Ну, Н. А. Булганин, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, Н. С. Хрушчев, А. Б. Аристов, П. Н. Поспелов, Д. Т. Шепилов ўртоқлэр, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. П. Тарасов, РСФСР Министрлар Советининг Раиси А. М. Пузанов, СССР министрлари, жамоат арбоблари, саноат ва қишлоқ хўжалик илғорлари Президиумга чиқишлари блан уларни залдагилар гулдурос овациялар блан кутиб оладилар.

Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси М. А. Яснов қисқача кириш нутқи сўзлаб митингни очади.

Бирма Иттифоқи ва СССР Давлат гимнларининг садолари тантанавор янграйди.

Бош министр У Ну минбарга чиқади. Залда яна қизғин қарсаклар авж олиб кетади. У Ну бирма тилида нутқ сўзлайди.

Бирма Иттифоқи Бош Министри У Нунинг нутқи

Бош Министр жаноблари, хонимлар ва жаноблар!

Мен Совет Иттифоқи раҳбарларига ва халқига мурожаат қилиш имкониятига эга бўлганлигим учун ғоят хурсандман. Менинг ихтиёримда бўлган қисқа фурсат ичида бутун дун'ёда тинчлик тўғрисида, кескинликни юмшатиш ва Совет Иттифоқи блан Бирма ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш тўғрисида ба'зи мулоҳозаларимни айтиб ўтмоқчиман.

Ўтган йилнинг ўрталаридан бошлаб мен кўп мамлакатларга, шу жумладан Хитой Халқ Республикасига, Буюк Британияга ва Америка Қўшма Штатларига саёҳат қилиб бордим.

Мен борган мамлакатларнинг ҳарқайсисида раҳбарлар ҳам, халқ ҳам тинчликка бирхилда муносабатда бўлмоқдалар. Совет Иттифоқида ҳам мен раҳбарлар блан ва халқ блан учрашдим. Мен уларнинг тинчликка ҳамжиҳат бўлиб интилаётганликларини кўрдим. Муносабатларнинг мана шу бирлиги тинчликка ялпи интилишдан бошқа нарса эмас.

Албатта, шу нарса таажжублидирки, бутун дун'ё тинчликка тарафдор бўлиб турган бир пайтда, уларнинг тинчликни излашларида ҳали ҳам улар олдида тўсқинликлар турибди. Бир томон иккинчи томоннинг бутун дун'ёда ҳарбий базалар қуришини қайд қилишга уринади. Иккинчи томон бутун дун'ёда суқулиб кириш ва қўпоручилик ишлари олиб бориш ҳаракатлари борлигини қайд қилишга уринади.

Ҳозирги кунда дун'ёда қўрқув ва бир-бирига нисбатан гумонсираб қараш ғоят ўрнашиб қолганлигини ҳечким инкор қилиши мумкин эмас. Мана шундай қўрқув ва гумонсирашнинг мавжудлиги тинчликни излашни ғоят қийинлаштирмоқда. Модомики мана шу қўрқув ва гумонсираш давом этар экан, тинч тотув бўлиб яшаш ўз моҳиятини йўқотиб қўяди. Шу сабабли, манфаатдор томонларнинг ҳаммаси бундай қўрқувни ва гумонсирашни тугатмоқ учун астойдил куч ва ғайрат сарфламоғи зарур. Бу хилдаги қўрқув ва гумонсираш шароитида тотув бўлиб яшаш икки кишининг бир-бирига қўл бериб кўришиб туриб, айни вақтда улардан бири бир қўлидаги ҳанжарни, иккинчиси эса бир қўлидаги тўппончани орқасига бекитиб туриб, бир-бирига дўстлик изҳор қилишни эслатади. Шу сабабли, менинг фикримча, юксак даражадаги музокараларнинг ва қуролсизланишнинг ўзигина бутун дун'ёда тинчликни ўрнатишга олиб келолмайди. Бундай музокаралар ва қуролсизланиш, албатта, тинчликни ўрнатмоқ учун муҳим дастлабки шартлардир, вақти-вақти блан бу хилда конференциялар ўтказиб туриш ҳам зарур. Аммо, конференциялар ўтказилиши блан бир вақтда, турли мамлакатларнинг халқлари ўртасида янада қалин шахсий алоқаларга эришмоқ учун мумкин бўлган чораларнинг ҳаммасини ҳам кўриш лозим. Халқлар ўртасида қалин шахсий алоқа ўрнатишдан бўлак гумонсирашни йўқотишнинг яхшироқ методи бўлмаса керак деб ўйлайман. Мен ёшлик вақтимда икки ака-ука тўғрисида ёзилган инглизча достонни ўқиган эдим. Бу иккала ака-ука бир-биридан узоқда бўлганида уларнинг ҳарқайсиси бир-бирини иблис деб ҳисоблар экан, аммо улар бир-бирларига яқинлашиб, бир-бирларига кўзлари тушгандан кейин бир-бировларига ака-ука эканликларини билиб олган эканлар.

Худди шунингдек хитой, инглиз, америка ва совет халқлари бир-бирларидан узоқда бўлганликлари сабабли бир-бирлари тўғрисида нотўғри тасаввурда бўлмоқдалар, лекин мен аминманки, улар бир-бирлари блан яқинлашиб танишишганларида бир-бирларини ака-ука деб ҳисоблайдиган бўладилар.

Улановалар, Бейбутовлар, Кара-Караевлар, Шостаковичлар, Козловскийлар ва Ойстрахлар блан бирнеча минут бирга бўлган кишиларнинг гарчи юраги тош бўлса ҳам эриб кетади, деб айтсам муболаға қилмаган бўламан.

Худди шунингдек, бошқа мамлакатларда ҳам сизларнинг ҳаммангизда ўз мамлакатларининг халқларига муҳаббат ҳисларини туғдираоладиган кўпгина Грейс Келлилар, Марта Грехемлар, Спенсер Трейслар ва Иегудия Менухиналар бор.

Ўтмишда мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар ҳарқанча душманлик руҳи блан суғорилган бўлмасин, лекин бевосита шахсий алоқалар му'жизалар яратаолади. Одамлар бир-бирларига чинакам ака-ука эканликларини билиб оладилар.

Совет Иттифоқи блан Бирма ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга келганда, улуғ совет халқи тўғрисида ўтмишда бизга нотўғри тасаввур берган ба'зи айрим совет китобларига қараганда, шахсан мен совет циркини, совет балетини, совет ашулачилари ва музикачиларини, совет олимларини, совет ижтимоий ва иқтисодий ҳаётини планлаштируччи кишиларни ва совет халқларини афзалроқ деб биламан. Совет кишилари блан яқин алоқаларда бўлган вақтимда мен уларнинг улуғ фазилат эгалари эканликларини кўрдим, аммо сизларнинг китобларингиздан ба'зилари совет кишиларининг мана шу улуғ фазилатларини ба'зан бизданэ яширадилар ва ба'зан бу китоблар бизни сизларнинг ҳақингизда номатлуб фикрга келишга мажбур қилар эди.

Совет халқи тўғрисида ҳатто бизга тўғри тасаввур бериши мумкин бўлган китоблар ҳам шу китобларни ўқиган ва доираси чекланган кишиларнинг қалбларидагина совет халқига мойиллик туғдириши мумкин. Лекин цирклэрнинг, балетнинг, операннинг, музикачиларнинг, ашулачиларнинг, совет олимларининг, совет ижтимоий ва иқтисодий турмушини планлаштираётган кишиларнинг имкониятлари чексиздир.

Сўзимни тамомламасдан олдин мамлакатингизда бўлган вақтимда Совет Иттифоқи ва совет халқи тўғрисида менда ҳосил бўлган таассуротларни жуда қисқача якунлаб айтиб беришимга ижозат берингиз. Мен ҳозиргина айтиб ўтганимдек, совет халқининг ғоят дўст ва меҳмондўст халқ эканлигини кўрдим. Маданий ишларга катта э'тибор берилмоқда, бу ишлар совет турмушининг узвий белгиси бўлиб қолган. Болалар, йигитлар ва қизлар тўғрисидаги ғамхўрлик ғоят катта. Энг яхши бинолар, кўпгина шаҳарларда эса илгариги саройлар ма'рифат ва маданият эҳтиёжлари учун пионерларга бериб қўйилмоқда. Музика, рақслар ва суратқашлик блан шуғулланиш ғоят сахийлик блан рағбатлантирмоқда.

Мен олган яна бир кучли таассурот шуки, мактабларда ва институтларда илмфан ўқитишга жуда катта э'тибор берилмоқда. Совет халқи ҳақиқатан ҳам юксак техника цивилизациясини ривожлантирмоқда. Олий мактабларни битириб чиқаётган инженерлар ва техника та'лими олиб чиқаётган бошқа ҳархил мутахассислар сони ниҳоят даражада кўпаймоқда, яқин фурсат ичида мамлакатингиз техникадан та'лим олиб чиққан мутахассисларнинг катта резервига эга бўлади.

Правардида менга бутун дун'ёда тинчлик манфаатлари учун ҳалқаро ишончсизлик абадий ва батамом йўқотилсин, деб самимий истак билдиришимга ижозат берингиз. Мамлакатлар ўртасида янада қалинроқ алоқалар ўрнатилсин, токи гумонсираш ўтмишнинг эсдалиги бўлиб қолсин, деб дуо қиламан. Бизнинг мамлакатимизга келганда, менга шуни айтишга ижозат берингизки, мустамлакаларнинг мустақиллик олишига умумий интилишимизда ва бутун дун'ёда тинчликка эришиш йўлида умумий куч ва ғайрат сарфлашимизда биз Совет Иттифоқи блан ҳамиша бирга бўламиз.

Ҳозирги вақтда Женевада бўлаётган музокаралар муваффақиятга эришсин!

Совет раҳбарлари бахтиёр ва соғ-саломат бўлиб узоқ умр кўрсинлар!

Совет кишилари бахтиёр ва соғ-саломат бўлиб узоқ умр кўрсинлар!

Совет-Бирма дўстлиги мустаҳкамлансин!

Бутун дун'ёда тинчлик барқарор бўлсин! **(Гулдурос қарсаклар).**

* * *

Сўнгра СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганинга сўз берилади; митинг қатнашчилари уни давомли қарсаклар блан кутиб оладилар.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин нутқи

Бош Министр жаноблари!

Азиз дўстлар!

Ўртоқлар!

Бирма Иттифоқи Бош Министри ҳурматли меҳмонимиз У Нунинг ўз нутқида мамлакатимизга ва совет халқига дўстлик ва ҳайрихоҳлик ҳисларини изҳор қилганлиги учун Совет Иттифоқи ҳукумати номидан, Москва меҳнаткашлари ва кўпмиллатли бутун совет халқи номидан, шунингдек шахсан ўз номимдан унга ташаккур айтаман **(давомли қарсаклар).**

Совет ҳукумати Бирма ҳукуматининг бошлиғи У Нунинг мамлакатимизга келишини табриклади. У Ну бизга ва бутун совет халқига ўз мамлакатининг миллий мустақиллиги учун ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун курашда кўп куч ва ғайрат сарфлаган давлат арбоби сифатида ма'лумдир.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Совет Иттифоқи блан Бирма Иттифоқи ўртасидаги дўстликка бағишланган митинг

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин нутқи

(ОХИРИ. БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

Бош Министр У Нунинг келиши бизга замонимизнинг бир хусусиятини эслатади. Мен ҳозир Шарқ мамлакатларида бўлаётган чуқур ўзгаришларни назарда тутмоқдаман. Жаҳон цивилизациясини яратишга жуда катта ҳисса қўшган Осиёнинг қадимий халқлари асрлар давомида шафқатсиз мустамлакачилик зулми остида эзилиб келдилар, қаппоқликка ва қолоқликка маҳкум этилган эдилар. Шарқ халқларининг ҳаётидаги бу мудҳиш давр ҳозир ўтмиш бўлиб қолмоқда.

Шарқ халқлари янги турмушнинг актив ижодкорлари бўлиб бораётганликларини кўриб турибмиз. Шу халқлар бутун дун'ё тақдирини ҳал қилишда қатнашадиган давр келади деб улуғ Ленин айтган сўзлар рўёбга чиқмоқда.

Жаҳонда сони энг кўп бўлган улуғ хитой халқи оғир, қонли жангларда ўз эркинлигини ва мустақиллигини қўлга олди. Шарқнинг яна бир улуғ халқи — Ҳиндистон халқи ҳам мустақил тараққиёт йўлига кирди. Узоқ давом қилган мустамлака ҳукмронлигидан озод бўлиб, шонли Бирма халқи ҳам шу йўлга чиқиб олди.

Совет Иттифоқи блан Бирма ўртасидаги муносабатларга ўтмишда ҳеч қандай ихтилофлар доғ туширмаган эди, ҳозирги вақтда эса мамлакатларимиз ўртасида энг яқин алоқаларни ва энг кенг миқ'ёсда ҳамкорлик қилишни ривожлантирмоқ учун ҳамма имкониятлар бор.

Совет-Бирма муносабатларининг мустаҳкамлигига ва дўстона характерда бўлаётганлигига аввало сабаб шуки, бу муносабатлар территориал бутунликни ва суверенитетни ўзаро ҳурматлаш, ҳужум қилмаслик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, тинч тотув бўлиб яшаш принциплари асосида қурилмоқда. Дастлаб Хитой Халқ Республикаси ва Ҳиндистон томонидан э'лон қилинган, сўнгра эса Осиё ва Африка мамлакатларининг Бандунг конференциясида қўллаб-қувватланган бу принциплар эндиликда Осиёнинг тинчликсевар давлатлари томонидан ҳам, шунингдек Европанинг кўпгина халқлари томонидан ҳам бошқа мамлакатлар блан бўладиган ўз муносабатлари учун асос қилиб олинди.

Совет ҳукуматининг фикрича, бу принципларнинг оғишмай амалга оширилиши кенг миқ'ёсда халқаро ҳамкорлик ўрнатишга ва давлатлар ўртасидаги ишончсизликни йўқотишга ёрдам беради. Бунда Совет Иттифоқи ҳукумати ўз ташқи сиёсатининг асосий қоидасига — социал — сиёсий системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч тотуғ бўлиб яшашлари мумкин, деган қоидага асосланиб иш кўрмоқда.

Бирма блан Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги ва амалий алоқалари кейинги вақтларда тўхтовсиз кенгайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Тенгҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида бу йил тузилган Совет-Бирма савдо битими, шунингдек делегациялар айирбошланаётганлиги мамлакатларимизнинг бир-бирига янада кўпроқ яқинлашуви йўлида муҳим босқичлар бўлди.

Бирма Бош Министри У Нунинг Москвага келганлиги ва мамлакатимизнинг иқтисодий ҳамда маданий муваффақиятлари блан, совет халқининг кундалик меҳнати блан бевосита танишганлиги мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, техника ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Совет ҳукумати блан Бирма ҳукумати ўртасида шахсий алоқа ўрнатилиши Совет Иттифоқи блан Бирма ўртасидаги ҳамжиҳатликни яхшиламоқ учун катта аҳамиятга эга бўлади. Совет ҳукумати раҳбарлари блан Бош Министр У Ну ўртасида ҳар иккала мамлакатни баббаравар қизиқтирган масалалар устида бўлган фикр олишув тинчликни ва халқлар хавфсизлигини та'минлашдан иборатдир, деган фикрларимизнинг бирлигини кўрсатди. **(Қарсаклар).**

Москвада бизларнинг ўртамизда вужудга келган шахсий алоқа давом этдирилади. Бош Министр У Ну мени ва ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевни Бирмага боришга таклиф қилди. Мен бугунги имкониятдан фойдаланиб, Совет ҳукумати номидан, шунингдек ўз номимдан ва ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевнинг топшириғи блан унинг номидан Бош Министр У Нуга бу таклиф учун ташаккур билдираман. Биз бу таклифни Совет Иттифоқи халқлари блан Бирма халқи ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшадиган таклиф деб қабул қиламиз. **(Давомли қарсаклар).**

Бош Министр У Нунинг Совет Иттифоқига келганлиги ва бизнинг Бирмага боришимиз ишонч ва халқаро ҳамкорлик руҳини ривожлантиришга ёрдам беради, халқларимизнинг ўз келажаклари учун қўрқишдан ҳоли бўлиб, барча халқлар блан тинч ва дўст бўлиб яшаш йўлидаги қизғин истакларига мос бўлиб тушади. **(Давомли қарсаклар).**

Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Женева Кенгаши халқаро кескинликни камайтирди ва «совуқ муносабатлар урупи»та зарба берди. Бу Кенгаш давлатлар ўртасидаги муносабатларда янги даврни бошлаб берди. Бу Кенгаш ҳозирги вақтда тинчлик манфаатларини кўзлаб халқаро ҳамкорлик қилиш жуда мумкин бўладиган иш эканлигини, давлатлар ўртасида ишонч ўрнатиш эса реал ва рўёбга чиқарса бўладиган мақсад эканлигини кўрсатди.

Ҳукуматлар бошлиқларининг Кенгаши тамом бўлганидан кейин Совет ҳукумати бошқа давлатлар блан ўзининг муносабатларида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳини сақлаб қолишга ва ривожлантиришга интилаётганлигини неча марталаб баён қилди.

Кейинги 3 ой мобайнида Совет Иттифоқи ҳукумати кескинликни янада юмшатишга ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишончни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган бирқанча муҳим конкрет ишларни қилди.

Совет ҳукумати бу тадбирларни кўрар экан, СССР, АҚШ, Англия ва Франция ташқи ишлар министрларининг 27 октябрьда очилган Кенгашининг муваффақиятли ишлаши учун қулай шароит туғдиришга интилди. Министрлар Ҳукуматларнинг бошлиқлари муҳокама қилган масалалар устида бамаслаҳат қарорлар ишлаб чиқишлари учун биз бутун кучимизни сарф қилдик ва сарф қилмоқдамиз. Европа хавфсизлиги ва Германия, қуролсизланиш, Шарқ блан Ғарб ўртасида алоқаларни ривожлантириш мана шундай масалалардир.

Совет ҳукумати ташқи ишлар министрларининг Кенгашида бу масалалар устида бирқанча таклифларни ўртага ташлади. Бу таклифларнинг мақсади тинчликни ва халқлар хавфсизлигини та'минлашдан иборатдир. Бу таклифларнинг амалга оширилиши муҳим халқаро проблемаларни ҳамжиҳатлик асосида ҳал қилиш йўлида қўйилган янги кэтта қадам бўлур эди.

Ташқи ишлар министрлари Кенгашининг ҳамма қатнашчилари ҳукуматлар Бошлиқларининг кенгашида ҳукмрон бўлган ҳамкорлик руҳида иш кўрадиган бўлсалар, Кенгаш ўз ишида ижобий натижаларга эришади, деб умид қиламиз. **(Қарсаклар).**

Ҳамма мамлакатларнинг халқлари тинчлик бўлишини истамоқдалар. Бош Министр У Ну Совет Иттифоқида бўлган вақтида совет халқининг тинчликни сақлашга ва мустаҳкамлашга, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга айниқса қизғин равишда интилаётганлигини кўриб, бунга қаноат ҳосил қилиш имкониятига эга бўлди.

Бизнинг халқимиз мустаҳкам тинчликни ва хавфсизликни та'минлаш йўлида ўзининг зўр бериб қилаётган ишларида тинчликсевар бошқа халқлар блан, шу жумладан, Бирма Иттифоқи халқи блан ҳам ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилмоқда.

Сиз Бош Министр жанобларига ва Сиз орқали бутун Бирма халқига совет халқининг дўстлиги ўзгармас дўстлик деб ва'да бераман, шунингдек ватанингизнинг ривожланиши ва гуллаб-яшнаши йўлида муваффақиятлар қозонишини истаганлигимизни билдираман. **(Давомли қарсаклар).**

Яшасин Совет Иттифоқи блан Бирма Иттифоқи халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги! **(Қарсаклар).**

Совет-Бирма дўстлиги ҳар иккала мамлакат халқларининг бахт-саодати йўлида, умумий тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари йўлида мустаҳкамлансин. **(Қарсаклар)**

* * *

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин Бирма Иттифоқи Бош Министри У Нунинг қўлини қаттиқ қисиб дўстлик изҳор қилади. Зала яна овация кучайиб кетади, «Яшасин Совет халқининг Бирма халқи блан дўстлиги! Ура!» деган хитоблар эшитилади.

У Ну ва Н. А. Булганининг нутқларини Колонна залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси катта э'тибор блан тингладилар. Дўстлик ва самимият вазиятида ўтган бу митинг совет халқининг тинчликка, мустамлака зулмидан озод бўлган ва ўзининг янги суверен давлатини қураётган Бирма халқи блан дўстликка тинмай интилаётганлигини, совет кишиларининг ер юзидаги ҳамма халқлар блан дўст бўлишга ва ҳамкорлик қилишга интилаётганликларини намойиш қилиб кўрсатди.

* * *

Митинг тамом бўлгандан кейин сан'ат усталари концерт бердилар. (ТАСС).

Бирма Иттифоқи Бош Министри У Ну Москвадан жўнаб кетди

Яхши ният визити блан совет мамлакатига келган Бирма Иттифоқи Бош Министри У Ну СССРда икки ҳафта бўлганидан кейин 4 ноябрьда Москвадан Хельсинкига жўнаб кетди. У Ну блан бирга унинг рафиқаси До Мья И ва Бош Министрнинг бошқа ҳамроҳлари ҳам жўнаб кетдилар.

Марказий аэродром Бирма Иттифоқи ва Совет Иттифоқининг Давлат байроқлари блан безатилган эди. Н. А. Булганин, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, А. Б. Аристов, П. Н. Поспелов, Д. Т. Шепилов, РСФСР Министрлар Советининг Раиси А. М. Пузанов, СССР министрлари П. Я. Антропов, К. П. Горшенин, М. А. Евсеенко, В. П. Елютин, В. Г. Жаворонков, В. П. Зотов, И. Г. Кабанов, М. Д. Ковригина, Л. Р. Корниец, Ф. Г. Логинов, Н. Н. Миротворцев, Н. А. Михайлов, Г. М. Орлов, П. И. Паршин, К. Д. Петухов, СССР Госпланининг раиси Н. К. Байбаков, иқтисодий алоқалар ишлари Бош бошқармасининг бошлиғи К. И. Коваль, Совет Иттифоқи Маршали И. Х. Баграмян, авиация Бош Маршали П. Ф. Жигарев, армия генерали И. А. Серов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари В. А. Зорин ва Н. Т. Федоренко, Москва Совети Ижроия комитетининг раиси М. А. Яснов, совет хотин-қизлари Антифашист комитетининг раиси Н. В. Попова, СССРнинг Бирмадаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. Д. Шчиборин, СССР Ташқи ишлар министрлиги Шарқи-Жанубий Осиё бўлимининг мудири Б. М. Волков, СССР Министрлар Совети Раиси Протокол бошлиғи Е. А. Тарабрин, СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, Москва шаҳрининг коменданти генерал-майор И. С. Колесников Бош Министр У Нуни кузатиш учун келдилар.

Бош Министр У Нуни совет пойтахти меҳнаткашларининг вакиллари, совет ва четэл журналистлари, СССРда меҳмон бўлиб турган Бирма журналистлари ҳам кузатиб қолдилар.

Аэродромда Бирманинг СССРдаги Элчихонасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчи У Монг Он бошчилигидаги ходимлари, Москвадаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, закупка қилучи Бирма ҳукуматининг та'минот министри Бо Мин Гаунг бошчилигидаги ҳарид миссиясининг а'золари ҳозир бўлдилар.

Бош Министр У Нунинг СССР бўйлаб қилган сафарида ҳамроҳ бўлган Бирманинг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси У Хла Маунг, Бирманинг Буюк Британиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси У Чин ва унинг рафиқаси Чин хоним ҳам у Нуни кузатиб қолдилар.

У Нуни кузатиб қолиш учун фахрий қоровул қўйилди, Бирма Иттифоқи ва СССРнинг Давлат гимнлари ижро этилди.

...Бирма ҳукуматининг бошлиғи совет давлат ва жамоат арбоблари блан, Москва меҳнаткашлари блан, дипломатия корпусининг а'золари блан хайрлашади...

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин микрофон ёнига келиб, қуйидаги нутқни сўзлайди:

Н. А. БУЛГАНИН НУТҚИ

Бош Министр жаноблари!

Сиз ва Сизнинг ҳамроҳларингиз Москвадан жўнаб кетаётган шу пайтда мен Сизнинг мамлакатимизга келишингиз туфайли бизни гоят мамнун қилганлигингиз учун Совет Ҳукумати номидан яна бир марта миннатдорчилик изҳор қилишни истайман.

Бош Министр жаноблари, Сизнинг яхши ният блан қилган визитингиз шу нарсани жуда яққол кўрсатадики, бизнинг мамлакатларимиз бир-бирларидан гарчи узоқда бўлсалар ҳам, улар ўртасида дўстона муносабатлар ва халқаро ҳаётнинг бирқанча муҳим масалалари юзасидан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилиши мумкинлигина бўлиб қолмай, балки бундай муносабат ва ҳамкорлик ҳозирнинг ўзидаёқ амалга оширилмоқда. Совет Иттифоқи блан Бирма ўртасидаги муносабатлар бир-бирларини ҳурмат қилаётган ва тинчликни сақлашдан ҳамда барча халқларнинг хавфсизлигини та'минлашдан манфаатдор бўлган тенгҳуқуқли ва суверен мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар эканлигини айниқса та'кидлаб ўтишни истар эдим.

Ҳеч шубҳа йўқки, Сизнинг Совет Иттифоқига қилган сафарингиздан кейин мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатлик янада кўпроқ кучаяди, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик эса янада ривожланади. Бизнинг шу йўлдаги интилишимиз биргаликда чиқарилган ва бугун э'лон қилинган Баёнотда ўз ифодасини топди. Бу Баёнот дўстона ва самимий вазиятда ўтган суҳбатларимиз ва учрашувларимизнинг якунидир.

Бош Министр жаноблари, Сиз СССР бўйлаб қилган сафарингиз вақтида мамлакатимизнинг турли республикаларидаги совет кишилари қандай яшаб ва қандай меҳнат қилаётганликлари блан танишиш имкониятига эга бўлдингиз. Фурсатнинг етишмаганлиги Сизнинг Совет Иттифоқидаги бошқа жойларга ҳам боришингизга имкон бермаганлигидан гоят афсусланамиз. Сиз Совет Иттифоқининг ана шу жойларида ҳам худди шундай самимий кутиб олинар эдингиз. Сиз ўз сафарингиз вақтида совет халқига нисбатан кўп марта изҳор қилган самимият ва дўстлик туйғуларингиз ҳаммамизда кучли таассурот қолдирди ва ҳаммамизни шодлантирди.

Мен шу нарсадан ҳурсандманки, Москвада бизнинг ўртамизда ўрнатилган шахсий алоқа яқин келгусида мен, ўртоқ Н. С. Хрушчев ҳамда Сиз блан биргаликда Сизнинг мамлакатингизда давом этдирилади.

Бош Министр жаноблари, биз ҳаммамиз Сизнинг ва ҳамроҳларингизнинг бундан кейин ҳам яхши саёҳат қилишингизни ва ватанингизга эсон-омон бориб етишингизни тилаймиз.

Совет Ҳукумати номидан, халқимиз номидан Бирма халқларига дўстона салом топширишингизни ва уларнинг ўз давлати бахт-саодати йўлида қилаётган меҳнатларида муваффақият қозонишларини истаб изҳор қилган тилакларимизни топширишингизни сўрайман.

Бош Министр жаноблари, оқ йўл! Кўришгунимизча хайр!

* * *

Шундан кейин Бирма Бош Министри У Ну нутқ сўзлади.

БОШ МИНИСТР У НУ НУТҚИ

— Биз бўлган ҳамма ерда Совет Иттифоқи раҳбарлари ва халқларининг мени, менинг рафиқамни ва миссиянинг а'золарини зўр шодлик ва гоят самимият блан кутиб олганликлари туфайли менинг қалбим миннатдорчилик туйғуларига тулиб тошди. Дарҳақиқат, биз бу улуғ мамлакат бўйлаб бирнеча минг миля йўл босдик ва бирнеча республикада бўлдик. Биз жуда кўп жойларни кўришга муяссир бўлдик, бутун саёҳат вақтида Совет Иттифоқи раҳбарлари ва халқларининг бизга нисбатан самимий хайрихоҳлик кўрсатганликлари ва бизни хурсанд бўлиб қабул қилганликлари бизни гоят завқлантирди.

Совет халқи бизни дўстдан ҳам азизроқ кўраётганлигини сезиб турибман. Совет халқи бизни азиз қардошлар деб ҳисобламоқда ва бизга нисбатан кўрсатилган хайрихоҳлик ҳамда дўстлик кутганимиздан ҳам ортиқроқ бўлиб чиқди. Ҳамма ерда саёҳатимизнинг гоят қисқа бўлганлиги тўғрисида самимий таассуф изҳор қилинди.

Ана шу меҳмондўст мамлакатга қилган гоят мароқли саёҳатимдан олган яхши хотираларни абадий сақлайман ва ҳар икки мамлакатимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш учун доим бутун кучимни сарф қиламан деб, Сизларни ишонтиришга руҳсат этгайсиз.

Яшасин Совет-Бирма дўстлиги!

Яшасин бутун дун'ёда тинчлик!

...Бирмали меҳмонлар, Совет Ҳукумати ва Коммунистик партиянинг раҳбарлари самолётга қараб йўл оладилар. Пионерлар Бирма вакилларига гулдасталар тақдим этадилар. СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин Бош Министр У Нунинг қўлини дўстона қисиб хайрлашади, сўнгра унинг рафиқаси ва У Нунинг ҳамроҳлари блан ҳайрлашади. Кузатиб қолган бошқа кишилар ҳам улар блан хайрлашадилар.

Самолёт парвоз қилиб учиб кетди. (ТАСС).

ОКТЯБРЬ САМАРАСИ

Бугун байрам шабодаси Дўрмон қишлоғида, унинг ҳарбир хўжалигида, ҳарбир колхозчи, ишчи ва хизматчининг уйида ҳам мағрурона кезиб юрипти. Қишлоқ байрам либосига ўралган, у бугун ҳарқачонгидан ҳам гўзал, худди янги келинчакдек безанган. Улуғ Октябрьнинг самарасидан баҳраманд бўлган қишлоқ меҳнаткашлари шонли байрамни муносиб совғалар блан кутиб олиш мақсадида бир жон-бир тан бўлиб курашмоқдалар.

Дўрмон қишлоқ Совети областимизнинг энг йирик қишлоқ советларидан бири. Унинг ташкил топганига 30 йилдан кўпроқ вақт бўлди. Шу давр ичида у шонли йўлни босиб ўтди.

Ҳозирги Дўрмон қишлоқ Совети территориясидаги қишлоқларнинг ўтмиши республикамизнинг бошқа қишлоқлари каби ҳар жиҳатдан қолоқ, қоронғи ва унитилган қишлоқлар эди. Бу ерда революцияга қадар меҳнаткаш деҳқон болаларининг ўқиши учун бирорта мактаб, маданий муассаса ёки даволаниш учун касалхона йўқ эди. Унинг революциядан илгариги қиёфасини ўйласанг юрагинг орқага тортиб, увишиб кетади — тарқоқ ва хароба ҳолдаги кичик-кичик қишлоқчалар, тупроғи тизза баробар чангли, қинғир-қийшиқ кўчаларгина кўз олдингдан ўтади. Бу ердаги деҳқонлар ҳам қашшоқлик ва мухтожликда, қоронғилик ва азоб-уқубатда яшар эдилар. Бутун қишлоқ бўйлаб бирорта ҳам саводли кишини топиш мумкин эмас эди.

Коммунистик партия раҳбарлигида галаба қозонган Улуғ Октябрь социалистик революцияси меҳнаткашларнинг асрий орзуларини рўёбга чиқарди — мамлакатимиз халқларига озодлик, бахтли ҳаёт келтирди. Октябрьнинг ҳаётбахш нурлари Дўрмон қишлоғи деҳқонларининг ҳам кўнглини ёритди. Шонли Октябрьнинг ҳаётбахш нурларидан баҳраманд бўлган қишлоқ меҳнаткашлари 38 йил мобайнида коммунистик партия раҳбарлигида фидокороне меҳнат қилиб, жуда катта ютуқларни қўлга киритдилар. Қишлоқнинг қиёфасида тубдан революцион ўзгариш юз берди. Эски, хароба қишлоқлар ва қингир-қийшиқ кўчалардан асар ҳам қолмади. Қишлоқ йилдан-йилга обод ва кўркам бўлмоқда, экономикаси мустаҳкамланиб, юксалмоқда.

ДЎРМОН ҚИШЛОҒИНИНГ ХЎЖАЛИГИ ВА ЭКОНОМИКАСИ

Қишлоқ Советининг социалистик хўжалиги ва экономикаси блан танишган кишининг кўнгли бирдун'ё қувончга тўлади. Унинг территориясида «Қизил Ўзбекистон» колхози, «Ташхлопмаш» заводи, Оржоникидзе ГЭС каскади, 15-нчи боғ совхозининг иккинчи бўлими, 9 та мактаб, 2 та туғруқхона, радиоузел, аптека, 3 та кино-театр, 5 та медпункт, касалхона, 7 та ясли, 7 та клуб, 7 та кутубхона, ўқишхона, сельпо ва бошқа кўпгина ташкилот ва муассасалар бор. Янги қурилган хушбичим уйлар, хўжалик бинолари қишлоқнинг хуснига-хуси қўшиб турипти.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг қилаётган ғамхўрликлари туфайли Дўрмон қишлоғининг экономикаси тобора мустаҳкамланмоқда, маданияти ривожланмоқда. Қишлоқнинг экономикасида пахтачилик ҳал этучи роль ўйнайди ўртоқ А. Матқобулов раҳбарлик қилаётган «Қизил Ўзбекистон» колхози пахтадан юқори ҳосил етказишда республикамизда донг чиқарган. У ҳар йили пахта топшириш плянини ортиғи блан бажариб келмоқда. Ўтган йили 1240 гектар пахта майдонининг ҳарбир гектаридан давлатга 36,9 центнердан пахта топширилди. Колхоз 1954 йили ҳаммаси бўлиб 23 миллион 745 минг сўм, я'ни, 1951 йилдагига қараганда 6,5 миллион сўм кўп даромад қилди. Пахтадан келган даромаднинг ўзи 17.291 минг сўмни ташкил этди. Колхоз даромадининг ошиши туфайли колхозчиларнинг ҳарбир меҳнат кунига оладиган даромади ҳам ортиб бормоқда. 1952 йили колхозчи бир меҳнат кунига 15 сўм олган бўлса, 1954 йили у 25 сўмга етди ва 3,5 килограммдан дон тақсимланди.

Колхозчилар партиямизнинг XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, бу йил ҳам пахтадан мўл ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Улар шу кунларда даладаги ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Қишлоқ Совети бўйича ўтган йили пахта блан биргаликда жамоат чорвачилик плани ҳам бажарилди. Чорвачиликни ривожлантириш соҳасида бу йил ҳам муваффақиятларга эришилди — чорвачиликнинг барча турлари бўйича план 100 процент бажарилди.

Қишлоқ экономикасининг йилдан-йилга мустаҳкамланиши натижасида унинг хўжалиги тобора кенгайиб бормоқда. Бешинчи бешйиллик мобайнида «Қизил Ўзбекистон» колхозида битта мактаб, кутубхона, 5 та ясли, 22 та дала шийпони, 19 та маҳаллий ва 3 та газ сушилка, 31 та молхона, 5 та типовой қуртбоқишхонаси ва водопровод қурилди. Сайловчиларнинг наказлари бўйича бу йил қишлоқда 15 ўринли янги касалхона қурилди.

Луначарск шоссеси. Дўрмон қишлоқ Советидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози правленияси, бирқанча идора ва ташкилотлар шу йўл ёқасида жойлашган. Унинг атрофида янгидан-янги турли бинолар қад кўтармоқда.

Қишлоқ хўжалиги ва экономикасининг ривожланиши блан аҳоли сони ҳам ўсиб бормоқда. Кейинги бешйил мобайнида қишлоқ аҳолиси 5 минг кишига кўпайди. Уч қаҳрамон она ва 300 дан ортиқ кўпболали она жамиятимизнинг келажак ёш авлодларини зўр меҳр блан тарбиялаб ўстирмоқда. Қишлоқ территорияси йилдан-йилга гавжум, обод ва файзли бўлиб бормоқда.

МА'РИФАТ ЎЧОҒИ

Энди бутун қишлоқда бирорта ҳам саводсиз киши топилмайди. Ҳамма саводли, ҳамма ма'рифат эгаси — бу социалистик қишлоғимизда юз берган маданий революциянинг буюк самарасидир. Дўрмон қишлоғининг аҳолиси бу ютуққа жонажон партиямиз ва совикли ҳукуматимизнинг кишиларимизни ўқимишли, саводхон қилиш тўғрисида тинмай қилаётган ғамхўрликлари туфайли эришди.

Қишлоқ Совети мактабларда ўқиш ва ўқитиш ишларини яхшилашга алоҳида э'тибор бериб келмоқда. Қишлоқда битта ўрта, бешта еттийиллик ва учта бошланғич мактаб бор. Уларнинг ҳаммаси янги ўқув йилига пухта тайёрланди — ўз вақтида сифатли ремонт қилинди, қишга етарли миқдорда ўтин-кўмир блан та'минланди.

Дўрмон қишлоғининг аҳолиси яна бир кишига кўпайди. Колхоз туғруқхонасининг акушеркаси **Н. Турсунова** (чапда) ва медицина ҳамшираси **М. Мўминова** чақалоқнинг соғлиғини кўздан кечирмоқдалар.

Мактабларга ғамхўрлик қилиш шарафли иш. Мактабларда коммунизм қурувчи ёш авлод ўқиб билим олади, тарбияланади. Дўрмон қишлоқ Советидаги мактабларда ишчи ва колхозчиларнинг икки мингга яқин болалари ўқимоқда. Пушкин номидаги ўрта мактаб қишлоқда энг катта ма'рифат ўчоғи ҳисобланади. Унинг бағрида бирнеча минг киши ўқиди, тарбияланди. Қишлоқ Советидаги мактаблар юқори малакали, тажрибали маҳаллий педагог кадрларга эга. Пушкин мактабининг қўйнида ўқиб ма'лумот олган, ҳозир шу мактабда ўқитучилик қилаётган Абдаз Исабоев, Мансур Икромов, Мутал Искандаров ўртоқлар шулар жумласидандир. Улар олий ўқув юртига кириб ўқиб, педагог деган шарафли ном олишга муяссар бўлдилар. Ҳалима Абдураимова, Мамлакат Усмонова, Турсун Содиқова педагогика техникумини битириб, ўқитучи бўлиб етишиб чиқдилар. Энди улар ҳам ўзлари ўқиб ўсган мактабларида ёш авлодни тарбияламоқдалар, билимдон қилмоқдалар. Ҳозир қишлоқ мактабларида олий ма'лумоти бўлган 26 ўқитучи ишламоқда. Дўрмон қишлоғида яшовчи меҳнаткашларнинг 400 дан ортиқ ўғил-қизлари олий ўқув юртларида ўқимоқдалар, билим олмоқдалар.

СОЦИАЛИСТИК МАДАНИЯТ КЕНГ ҚУЛОЧ ЕЙМОҚДА

Октябрь революциясига қадар қишлоқларимизда маданият деган сўзнинг ўзини эшитиш қийин эди. Энди қишлоқларимизда социалистик маданият кундан-кунга барқ уриб яшнамоқда. Бу Дўрмон қишлоғи мисолида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Оржоникидзе гидроэлектростанция каскади ўзининг битмас-туганмас нурини ҳарбир колхозчининг, ишчи ва хизматчининг хўжаликларига, бутун колхоз хўжалигига тинмай юбориб турибди. Қишлоқда бирнеча ўнминг китоб фондига эга бўлган 7 та кутубхона колхозчиларга хизмат қилмоқда. Улуғ рус ёзувчилари А. С. Пушкин, Л. Н. Толстой, М. Ю. Лермонтов, Н. В. Гоголь, А. П. Чеховнинг ўлмас асарларини колхозчилар севиб ўқимоқдалар. Совет ёзувчиларининг турли-туман асарлари кутубхоналарнинг полкаларини безатиб турипти.

Қишлоқ Советининг активлари, колхоз ишлабчиқаришининг раҳбар ходимлари, интеллигенция ўзларининг ғоявий-сиёсий савияларини тинмай оширяётирлар. Улар марксизм-ленинизм классикларининг нодир асарларини, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасининг ташкилотчиси ва раҳбари — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихини қунт блан ўрганмоқдалар. Бутубхоналар бошқа сиёсий адабиётларга ҳам бой.

Қишлоқ аҳолиси кино-картинани жуда севади. Меҳнаткашлар қишлоқдаги мавжуд кино-театр экранларида янги-янги кинофильмларни мароқ блан тамоша қилмоқдалар. Колхозчилар клубларда йиғилишиб доклад, ҳархил темаларда лекциялар тинглаб, ҳаваскорлар тўгаракларининг концертларини тамоша қилиб ҳордиқ чиқарадилар, колхоз радиоузели орқали партиямиз ва ҳукуматимизнинг сиёсатидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган коммунизм қурилиш ишидан хабардор бўлмоқдалар.

Социалистик маданият қишлоқ аҳолисининг турмушига тобора чуқур-сингиб бормоқда.

ТАШКИЛОТЧИ ВА ТАШАББУСКОР КИШИЛАР

Дўрмон қишлоқ Совети ўзининг ташкил топган биринчи кунларидан бошлаб депутатлар ва кенг меҳнаткашлар оммасига бевосита суянган ҳолда партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни бажариш учун курашиб келди ва ҳозир ҳам шундай қилмоқда. Советнинг 35 депутати ва 30 дан ортиқ активи бор. Улар Совет ҳузуридаги 7 та доимий комиссияга бирлашганлар. Депутат Эргашев раислик қилаётган қишлоқ хўжалик доимий комиссияси айниқса ташаббус кўрсатиб ишламоқда. Совет чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида э'тибор бериб, чорвачилик доимий комиссиясини ташкил этди. Депутат М. Қосимов унга раҳбарлик қилмоқда. Комиссия иккинчи кварталда мутахассислар, ветеринар врачлар, зоотехниклар ёрдамида «Қизил Ўзбекистон» колхозида чорва молларининг ҳаҳоли блан танишди. Депутатлар чорва молларининг қишловига тайёргарлик кўриш ишларини ҳам кўздан кечирдилар. Текшириш натижаси қишлоқ Совети ижроия комитетида муҳокама қилинди.

Ижроия комитетнинг ишидаги муваффақиятларнинг калити шундаки, у ўз ишини пухта ўйланиб тузилган план асосида олиб боради, сессиянинг ва ўзи чиқарган қарорларнинг бажарилишини қат'ий контроль қилиб туради, уларни бажариш учун курашади. Советнинг депутатлари эса ўз сайловчилари блан яқиндан алоқа қилядилар, улар олдида вақти-вақти блан ҳисобот бериб турадилар. Ижроия комитет раиси ўртоқ Миновар Холматова тажрибали ташкилотчи. У одий колхозчи сафидан жамоатчи, қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси даражасига кўтарилди. Дўрмон қишлоқ Совети ва Оржоникидзе район Советининг депутати Миновар Холматова ҳозир қишлоқнинг кўп тармоқли хўжалигига моҳирлик блан раҳбарлик қилмоқда.

Дўрмон қишлоқ Совети хўжалик ва социал-маданий қурилишларга раҳбарлик қилиб, ўз территориясидаги барча меҳнаткашларни партиямиз ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган буюк вазифаларни бажаришга — пахтачиликни ва чорвачиликни янада ривожлантиришга, маданий ва маиший муассасалар қурилишини янада ривожлантиришга сафарбар этмоқда.

К. КОМИЛОВ.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих институтининг илмий ходими.

«Қизил Ўзбекистон» колхозидаги кутубхоналардан бири. У, бирнеча минг китоб фондига эга. Кутубхоначи ўртоқ Б. Маҳмудов келтирилган янги китобларни рўйхатга олмоқда.

В. Салов фотолари.

УЛУҒ БАЙРАМГА МУНОСИБ СОВҒА ТАЙЁРЛАЙЛИК!

☆ ☆ ☆

Ҳосил ерда қолмасин

Жонажон Коммунистик партиямизнинг Октябрьолди Чақириқлари э'лон қилинган-дан кейин, шаҳар ва қишлоқларимизда улуғ байрам нафаси янада зўр салобат ва тантаналироқ сезилабошлади. Бутун совет мамлакатимиз каби областимиз ҳам байрам либосига ўралиб, ўз чиройини кўрсатмоқда. Қизил майдон ва марказий кўчаларда, саноат корхоналари ва колхозларда сан'аткор усталар иши авжига минган. Ҳадемай, улуғ айём — умумхалқ тантанаси бошланиб кетади. Совет кишилари шоду-хуррамлиқ блан Октябрь намойишларига чиқиб, ажойиб ғалабаларини, Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига бўлган чексиз муҳаббат ва садоқатларини, коммунизм қурилишига, бутун жаҳонда тинчлик ишини мустаҳкамлашга бўлган чексиз курашларини яна бир марта изҳор қиладилар.

Улуғ байрамларни жонажон Ватанга муносиб совғалар тайёрлаш блан кутиб олиш ва порлоқ келажакнинг ноёб орзулари блан яшаш, ғайрат ва шижоат блан ишлаш совет кишиларига расм-одат.

Улуғ Октябрь байрамини «ёруғ юз блан кутиб оламиз», деб бутун республикага донг урган мусобақадошимиз Андижон пахтакорлари байрам арафасида ғайрат қилиб пахта териш ва тайёрлаш сур'атини тобора оширмоқдалар.

Бизнинг областимизда ҳам Улуғ байрамни «ёруғ юз блан» кутиб олаётган илғор пахтакорлар оз эмас. Минглаб теримчилар мавсум нормаларини бажариб қўйдилар. Кўпгина колхозларнинг азамат пахтакорлари, фидокор механизаторлар байрамолди меҳнат вахтасида туриб ишлаб, шу улуғ кунга муносиб совға тайёрладилар — йиллик пахта тайёрлаш планини муваффақиятли адо этдилар. Бўка районидаги Ленин номли, Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» ва бошқа илғор колхозларнинг а'золари байрамга юзлаб тонна пахта совға қилмоқдалар.

Халқимиз ва давлатимизнинг энг қимматли бойлиги «оқолтин» ортилган автомашина ва аравалар қабул пунктига олиб боручи йўлларда қизил карвонлар колоннасини ташкил этмоқда.

Пахтачиликни кескин равишда ривожлантириш учун бошланган умумхалқ курашида янгидан-янги уста пахтакорлар етишиб чиқаётганлиги қувончли бир ҳолдир.

Уста пахтакорлар! Бу сўзларни тилга олганимизда донгдор Янгийўл, Чиноз, ва Сирдар'ёнинг миришкор пахтакорлари кўз олдимизга келарди. Ўтган йилларда янги усуллар, янги машинадар даставвал шу районлардаги колхозларда синалиб, сўнгра областимизнинг бошқа колхозларига тарқалганини яхши биламиз. Ўзини амалий ишда кўрсатиб, бутун республикага донг чиқарган азаматлар шу районлардан етишиб чиққан.

Лекин, ҳозирга келиб октябрь арафасидаги ғалаба рапортлари бу районлардан эмас, балки, уларнинг шогирдлари ҳисобланиб келган пахтакорларнинг колхозларидан келмоқда. Ахир, яқингинада, кўк квадратлар кўз қамаштириб, мўл ҳосил дурдоналари — дастлабки кўсаклар садаф тишларини эндигина кўрсатганда: «Бу йил ишимиз жойида, ўтган йилги доғни ҳам ювамиз, энди ўзимизни кўрсатамиз» деганлар янгийўллилару — ўртачирчиқлилар, чиноэлилару — оққўрғонлилар эмасмиди?! Кўраяпсизми, сизларнинг колхозларингиз эса сводкада кейинги ўринларда судралиб қолмоқда, бу йил сиз устоз пахтакорлардан чинсўзли шогирдларингиз ўзиб кетди!

Шундай қилиб, ғалаба рапортлари кечаги «шогирд», бугун устоз бўлиб етишган пахтакорлар даласидан келмоқда. Йиллик пахта тайёрлаш планини бирин-кетин бажараётган колхозларнинг ютуқлари, Юқоричирчиқ районидаги умумий кўтарилиш, Октябрь районидаги Молотов номли, Бўка районидаги Ленин номли, Мирзачўл районидаги Маленков номли, Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхозларининг байрам совғалари, «Малик» ва 16-нчи совхозлардаги илғор бригадаларнинг пландан ташқари топшираётган пахталари, Ўртасаройлиларнинг областимиздаги ман-ман деган районлардан олдинда бораётганликлари — буларнинг ҳаммаси юқоридаги фикримизни исботлаб турипти. Бўкадаги Саодат Гулахмедова ва бошқа илғор районлардаги чевар қўл, энчил теримчиларнинг довруғи бутун республикага тарқалган.

Пахта МТС ининг моҳир механизаторлари Янгийўлдаги иккита гигант МТС механизаторларига йиғим-терим даврида намуна бўлмоқдалар. Бу ерда биргина трактор бригадаси 10 та машина блан 620 тонна пахта терди. Николай Железняков, П. Дарвишев каби механик-ҳайдовчиларнинг ҳарбири улуғ байрам шарафига олган мажбуриятларини шараф блан бажариб, роса 20—30 теримчининг мавсум нормасига тенг келадиган пахта териб қўйган экан, янгийўлли ўртоқлар, машиналарни ишга солишдаги лапашанглигингиздан ўпкаланманг! Ахир сизлар ишлатаолмаган СХМ — 48М лар блан мусобақадошингиз Ўртасаройлилар кунсайин кўпроқ пахта термоқда.

— Бу йил синов йили, — дейди Октябрь районидаги Молотов номли колхознинг бригада бошлиғи коммунист Жўра Раимбеков, — ишнинг кўзини билиш керак. Мамлакат пахтакорларининг Тошкент кенгашида олган мажбуриятларини қонун деб билдик. Мўл ҳосил етиштирдик ва уни ўз вақтида териб олдик, келгуси йилги ҳосилимиз ҳам чакана бўлмайди, чунки, пахтани барвақт йиғиб олганимиз учун кузги шудгорлашга ҳам ўз вақтида киришмоқдамиз. Ўтган йиллардаги нўноқлик пахта йиғим-терининг чўзилиб кетиб, шудгорлашни кўкламга қолиши эди. Хуллас, ҳамма ишнинг вақти-соати бор. Фурсатдан ютган ҳосилдан ютади.

Бу йилги мавсумда биз Жўра Раймбековни юқори ҳосил устаси деб ҳақли сурратда атамоқдамиз. Унинг бригадаси ҳозирданоқ ҳар гектар ердан 35 центнердан пахта берди, байрам шарафига пландан ташқари пахта топширишни қизғин давом этдирмоқда.

Бўшанг раҳбарлар учун ишнинг пачаваси чиққандан кейин ҳар нарса баҳона бўлаверади. Ўртачирчиқдаги Карл Маркс номли колхоз раҳбарлари пахта тайёрлаш чўзилиб кетиб, область колхозлари ўртасида 190-нчи ўринга тушиб қолганларидан кейин «кўсакларнинг кеч очилиши»-ни баҳона қилдилар. Бунга эса, кўкламда чигитнинг қайта экилганлигини сабаб қилиб кўрсатмоқдалар. Хўш, ана шу колхоз раҳбарлари ўз районларидаги «Ленин йўли» колхози роса бирминг гектарга яқин ерга қайта чигит экканликларини, шунга қарамай Ангар массивининг янги ўзлаштирилган ерларида мўл ҳосил етиштириб, ҳозир пахта тайёрлаш бўйича, Ўртачирчиқ районидагина эмас, областьда ҳам олдинги ўринларда бораётганлигини билмайдиларми?! Биладилар. Бу колхоз кассасига ҳозирданоқ миллион сўмлаб устама мукофот тушмоқда.

«Ленин йўли» колхозида ишга яроқли барча кучлар—идора хизматчилари ва ферма ходимлари ҳам пахта термоқда, Карл Маркс номли колхозда терадиган пахта кўп, лекин хирмон атрофида, идора-омбор товарагида ўралишиб юрадиган ҳайбаракаллачилар кўпайиб кетган!

Областимиз меҳнаткашлари Сирдар'ё районидаги «Ҳақиқат», Бекобод районидаги Дзержинский номли, Оққўрғон районидаги Каганович номли, Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» ва бошқа машҳур колхозларнинг ҳозирги қолоқлигига тааччубланмоқдалар.

Байрам арафаси кунлари — ҳосил йиғим-теримида энг мас'улиятли кунлардир. Ҳозир ҳар кун, ҳар соат ҳосилнинг тақдирини ҳал этади. Йиғим-терининг муваффақиятини ишга виждонан, партия, давлат, халқ манфаатларини кўзлаб уюшқоқлик блан муносабатда бўлишимиз та'минлайди. Илғорлар ишнинг кўзини билиб, эртани ўйлаб, очилган, ярим очилган ва очилмаган кўсакларни бирданига териб олмоқдалар, негаки, ҳозирги пайт сентябрь ёки октябрьнинг ўрталари эмас, балки кеч куз — олди ёнингарчилик кунларидир. Энди кўсак териш ва кўсак чувиш машиналарини кўпроқ ишга тушурганлар, сушилкалари тахт турганлар, бутун куч ва барча имкониятларни йиғим-теримга тўла сафарбар этганлар ютади! Ишни шундай ташкил этишимиз керакки, ҳарқандай об-ҳаво шароитида ҳам йиғим-терим сур'ати сусаймасин! Ҳозирги пайтда йиғим-терим қанча кечикса, пахта шунча кўп нобуд бўлишини унитмайлик!

Улуғ Октябрьнинг 38 йиллигини пахта далаларида ёруғ юз блан кутиб олайлик! Пахта йиғим-теримида чинакам қаҳрамонлик кўрсатиб ишлаш — улуғ байрамга муносиб совғадир!

Х. ТЎРАЕВ.



Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхозининг а'золари улуғ байрамни муносиб совға блан кутиб олаётирлар. Колхозда йиллик план ортиғи блан бажарилди. Ҳозир пландан ташқари пахта топширилмоқда. **Суратда:** колхоз даласида янги кўрак териш машинаси ишламоқда.

И. Душкин фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Улуғ байрамга муносиб совғалар

(Газетхонлар хатларига обзор)

Колхоз ва совхозларда йиллик планни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллиги кунигача бажариш учун кураш айниқса қизғин тус олиб кетди. Бу ҳақда редакциямизга кўплаб хабарлар келмоқда. Газетхонлар кўпмингчи теримчилар эришган муваффақиятлар, йиллик пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажарган звено ва бригадалар, мўл ҳосил усталари ҳақида ёзмоқдалар.

Тушки овқат пайти... — деб ёзади оқкўрғонли ўртоқ **М. Муродов,** — Ворошилов номли колхознинг Нормат Холбоев, Камол Рустамов бошлиқ бригада дала шийпонлари колхозчилар блан гавжум, ҳамманинг чеҳрасида шодлик. Чунки улар ёз бўйи қилинган фидокорона меҳнатнинг меваси — мўл пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиб-териб олиш учун курашиб, бугун йиллик планни ортиғи блан бажардилар. Ҳали бу бригадаларнинг пахта далаларида ҳосил мўл.

Ўртачирчиқ районли **М. Абубакиров** бундай деб ёзади: «Ленин йўли» колхозининг а'золари партиямиз XX с'езди шарафига ўзаро социалистик мусобақани янада кучайтириб, йиллик планни байрам кунигача бажариш учун курашмоқдалар.

Янгийўл районидаги Хрушчев номли колхозда, — деб хабар қилади ўртоқ **Н. Мамедов,** — кўпмингчилар ҳаракати яхши йўлга қўйилган. Узбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи блан мукофотланган моҳир теримчи ўртоқ Махпула Меҳриалиева ҳозиргача 11000 килограмм пахта териб, юқори кўрсаткичларга эришмоқда.

Ч. Ил'ёсов, А. Ғаниев, Т. Хайдаров, Б. Тешабоев, Ж. Ҳакимов, С. Худойберганов, Ф. Абдуллаев, Д. Раззоқов ўртоқлар Сирдар'ё районидаги Охунбобоев номли, Каганович номли, «Коммунизм», Тарас Шевченко номли колхозларда пахта йиғим-терими уюшқоқлик блан олиб борилаётганлиги, йиллик пахта тайёрлаш давлат планини ошириб бажарган бригада ва звеноларнинг муваффақиятлари ҳақида хабар қиладилар. Охунбобоев номли колхознинг ўртоқ Ҳаким Тожиев бошлиқ звено а'золари, —деб ёзади **А. Ғаниев,** — 28 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан шу кунгача она-Ватанимизга 38 центнердан оқ олтин топширдилар.

Қуйичирчиқли ўртоқ **Д. Тошхўжаев** «Ўзбекистон ССР бешйиллиги» совхозида 11 та пахта териш машинаси узлуксиз ишлаётганлиги, илғор механик-ҳайдовчилар юксак кўрсаткичларга эришаётганлиқлари тўғрисида ёзади. Ўртоқ Вали Чакиров кейинги ўнкунликда ўз касбдошларидан ўзиб кетиб, 23 тонна пахта терди. Механик-ҳайдовчилардан Н. Жўраев, Р. Давлатов ўртоқлар ҳам ўзаро социалистик мусобақада олдинда бориб, кунлик нормаларини 200 процентдан ошириб бажармоқдалар.

Верхне-волинск районидаги Жданов номли, Максим Горький номли колхоз а'золари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллиги кунигача йиллик планни бажариш учун курашмоқдалар. Шунингдек, райондаги «Победа», «Қизил Юлдуз», Куйбишев номли колхозларнинг илғор бригадаларида ҳам партиямиз XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора кучайтирилмоқда. Бу ҳақда қатор хабарлар ёзган **Р. Хасанов, А. Хўжахонов, Д. Тўхтаев, Б. Тешабоев, А. Анорбоев, Т. Бозорбоев** ўртоқлар пахта йиғим-теримини уюшқоқлиқ блан олиб бораётган ана шу колхозлардаги қайноқ меҳнатни тасвирлаб берганлар. Мирзачўлли газетхон **М. Абдураимов** бундай деб ёзади: Райондаги «8-март» колхозида пахта йиғим-теримига актив қатнашаётган қарияларни кўп учратасиз. Улар йиллик планни ошириб бажариш учун бошланган курашга муносиб ҳисса қўшаётирлар. Мамажон ота Каримов, Раҳмонали ота Қосимовлар шулар жумласидандир. Ҳар икки қария мусобақалашиб, кунига хирмонга 50—60 килограммдан пахта топшираётир.

Райондаги «Коммуна» колхозининг ўртоқ Обид Тўйчиев бошлиқ бригада а'золари, — деб хабар қилади шу районли ўртоқ **В. Шодмонов,** — 25 октябрьда йиллик планни 102 процент қилиб бажардилар.

Шунингдек, Октябрь районли **Ф. Султонова, В. Холматов** ўртоқлар Ленин номли, Сталин номли колхозларда, оҳангаронли ўртоқ **М. Юнусов** Каганович номли колхозда, ўртоқ **О. Тиловбердиев** 4-нчи «Боёвут» совхозининг 3 бригадасида, ўртоқ **Р. Тожиев** Гулистон районидаги Калинин номли колхозда пахта йиғим-терими зўр уюшқоқлик блан олиб борилаётганлиги, илғор звено ва бригадалар йиллик пахта тайёрлаш давлат планини ошириб бажариш, Улуғ Октябрь байрамини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун курашаётганликлари ҳақида ёзганлар.

☆

Пландан ташқари 150 тонна пахта топшириш учун

Юқоричирчиқ районидаги «Ленинизм» колхозининг илғор пахтакорлари мўл пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиб-териб олиш учун астойдил меҳнат қилиб ишладилар. Пахта йиғим-теримида колхоз а'золари ва меҳнатга яроқли кишиларнинг ҳаммаси қатнашди. Бу эса терим сур'атининг ошишига катта ёрдам берди. Натижада колхоз бўйича йиллик пахта тайёрлаш плани муддатидан илгари бажарилди. Колхоздаги 480 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил топширилди. Давлатга топширилган пахтанинг 80 процента отбор ва биринчи сорт блан қабул қилинди.

Шу кунларда бу илғор колхоз а'золари пландан ташқари яна 150 тонна пахта топшириш мажбуриятини олиб, далада қолган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб, давлатга топшириш учун ўзаро социалистик мусобақа асосида ишламоқдалар.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 4 НОЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Ўртасарой	1,68	98,00
Оҳангарон	0,88	96,39
Оржоникидзе	1,01	94,07
Юқоричирчиқ	1,02	93,89
Пискент	1,05	93,41
Ховос	1,94	93,17
Октябрь	1,06	91,24
Мирзачўл	1,07	89,99
Бўка	1,00	89,91
Гулистон	1,21	89,73
Янгийўл	1,06	89,60
Сирдар'ё	0,83	87,71
Верхне-волинск	0,80	87,67
Калинин	1,65	87,61
Ўртачирчиқ	1,19	86,86
Чиноз	0,85	84,34
Оққўрғон	0,88	83,93
Бекобод	1,44	75,99
Қуйичирчиқ	0,80	75,91
Боёвут	1,12	66,72

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 4 НОЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
4-нчи Вревский	1,54	96,92
16-нчи совхоз	0,71	82,73
«Малик»	0,83	82,64
17-нчи совхоз	1,12	77,04
«ЎзССР бешйиллиги»	0,80	75,91
1-нчи «Далварзин»	1,59	71,39
3-нчи «Далварзин»	1,32	71,58
Кўқорол	1,29	71,14
2-нчи «Далварзин»	1,28	69,94
1-нчи «Боёвут»	0,85	69,57
3-нчи Вревский	2,09	64,59
2-нчи «Боёвут»	1,03	60,98
3-нчи «Боёвут»	1,49	60,54
4-нчи «Боёвут»	1,01	57,29
10-нчи совхоз	0,80	56,00

Бўка районидаги „XIX партс'езд", Вильямс номли колхозлар йиллик планни бажардилар

БЎКА **(телефон орқали олинди).** Райондаги «XIX партс'езд», Вильямс номли колхозларнинг пахтакорлари мўл ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишда байрамолди социалистик мусобақасини қучайтириб, астойдил меҳнат қилдилар. Бу колхозлар Улуғ Октябрь байрамининг 38 йиллиги арафасида йиллик пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. «XIX партс'езд» колхози 955 гектар ернинг ҳар гектаридан 24,5 центнердан, Вильямс номли колхоз пахтакорлари эса 745 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил топширдилар.

Бу колхозларда гектаридан 29—33 центнердан ҳосил топширган бригада ва звеналар кўп. Ўнлаб чевар теримчилар мавсумда 10—15 тоннадан пахта териб, фидокорлик намуналарини кўрсатдилар.

Йиллик пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажарган бу колхозларнинг а'золари шу кунларда барча ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш ва келгуси йил мўл ҳосили учун мустаҳкам замин тайёрлаш мақсадида дала ишлари сур'атини ҳартарафлама қучайтириб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ҳосили йиғиб-териб олинган участкалар сифатли шудгор қилинаётир.

СССР Революция музейи залларида

(ЭКСКУРСАНТ БЛОКНОТИДАН)

1922 йил ноябрьда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг бешйиллиги муносабати блан Москвада «Қизил Москва» виставкаси очилди ва у 1923 йил июльда шаҳарнинг доимий тарихий-революцион музейига айлантирилди. Партия ва ҳукумат бу музейга 1924 йил майда ССР Иттифоқининг Революция Давлат Музейи деб ном бериш ҳақида қарор қабул қилди.

Совет кишилари, бахтиёр совет ёшлари музей залларига тўпланган 300 мингдан ортиқ экспонатни кўздан кечирар эканлар, ўтган асрнинг 90-нчи йилларидан бошлаб Октябрь революциясининг ғалабасига қадар бўлган даврда шонли партиямиз раҳбарлигида ота-боболаримиз чор самодержавиесига ва капиталистларга қарши қандай қилиб курашганликларини янада чуқурроқ ҳис қиладилар, шодиёна кунларимизнинг қадри-қимматини, улуғворлигини янада кўпроқ англаб оладилар.

Биз биринчи залдамиз. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги Россияни тасаввур қиламиз. Экспонатлар революцион ўтмиш ҳақида жонли гувоҳдек ҳикоя қиладилар. Мана, Н. Загорскийнинг «Нон учун» деб аталган расмининг фотокопияси. Чуқур изтироб чеккан, чувриндиларга белланган деҳқон хассага суянган ҳолда сўлғин нигоҳ ташлаб турипти. Унинг кетидан эти устихонига бориб ёпишган хотини ва ўғли судралиб боришаяпти. Улар бир парча нон қилириб қаёқларгадир кетаяптилар, аммо қаёққалигини ўзлари ҳам билмайдилар. Рўпарангизда С. Иванов ишлаган «Кўчманчининг ўлими» деган расм. Узоқ-узоқларга чўзилиб кетган, қуёш яллиғидан қовжираб ётган дашт. Йўл ёқасида шалоғи чиқиб кетган деҳқон араваси турипти, унга бир хароб от қўшилган. Ерда ётган деҳқон мурдасига илма-тешик бўлиб кетган юпқа кўрпа ёпиб қўйилган. Устида оғир ташвишдан қадди букилган унинг хотини фар'ёд чекмоқда. Нарироқда қизини кўтариб олган бошқа аёл турипти. Унинг бутун қиёфасида чуқур қайғу-алам излари бор. Булар қашшоқлик туфайли ўзлари туғилиб ўсган диёрни ташлаб кетган кишилардир. Мухтожлик уларни шу қуйга солиб, саргардон қилиб қўйган. Бироқ бу ҳукуқсизлик, зулм-истибдод абадий ҳукм суриши мумкин эмас эди. Деҳқонларнинг сабр-косаси тўлиб, ўз золимларига қарши бош кўтариб чиқабошлайдилар.

Ишчиларнинг аҳволи деҳқонларникидан енгил эмасди. Улар 12 — 14 соатлаб ишлашар, олган иш ҳақлари оилани ярим оч ҳолда боқишга ҳам етмас эди. Штраф ва солиқлар шу қадар кўп эдики, ба'зан ишчилар ишқаки ҳам ололмасдилар. Н. Верхотуровнинг «Ҳисоб-китоб» деб аталган асари шу темага бағишланган. Ишчилар иш ҳақи олиш учун келганлар. Олдинда заводнинг хўжайини ва бухгалтер. Уларни ишчилардан тахта панжара ажратиб турипти. Олдиндаги бир ишчи кафтини ёзиб, қўлларини хўжайинга чўзган. Унинг кўзларида хўжайинга нисбатан газаб-нафрат ўти чақнаб турипти. «Ҳисоб-китоб» натижасида ишчи бир тийин ҳам олмаган кўринади. Хўжайиннинг семиз башарасида ишчига на ачиниш, на қайтириш ҳисси бор. Унинг бутун қиёфасидан ўз бойлиги ва куч-қудратига чексиз ишонганлиги сезилиб туради. Гўё ҳеч қандай куч уни ўтирган ўрнидан қўзғатолмайдигандек. Аммо расмга тикилиб қарасангиз, панжара орқасида турган, қат'ий курашга отланган ишчиларнинг шиддатли чеҳраларига диққат блан назар солсангиз, хўжайиннинг ўтириши омонат эканини дарҳол пайқаб оласиз.

Ишчи ва деҳқонларнинг золимларга қарши чиқишларини бирлаштириш, улар олиб бораётган курашни чинакам синфий кураш даражасига кўтариш керак эди; эксплуатация қилиючи оммаанинг революцион курашини тўғри йўлдан бошлаб боручи ва унга раҳбарлик қилучи партия лозим эди. Ана шундай буюк ишга қодир бўлган марксистик партия тузиш вазифасини В. И. Ленин, у ташкил этган «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи, кейинроқ, умум рус сиёсий газетаси «Искра» бажарди. Залда Ленининнинг революцион фаолияти бошланган давр ҳамда унинг ўз сафдошлари блан революцион марксистик партияни ташкил этиш йўлида олиб борган кураши бой материаллар блан ҳартомонлама ёритилган. Мана, «Искра» газетасининг биринчи сони. Унинг ёнидаги рамкага яшириб грузин газетаси «Брдзола»нинг биринчи сони қўйилган. Залда В. И. Ленининнинг «Нима қилмоқ керак?», «Бир қадам олга, икки қадам орқага» деган машҳур китобларининг биринчи нашр нусхалари қўйилган.



Суратда: Москвадаги СССР Революция Давлат Музейининг залларидан бирида. **А. Стужин** ва **Л. Портер** фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

Иккинчи ва учинчи залларга қўйилган ва ажойиб сан'ат усталари И. Репин, В. Маковский, В. Поленов томонидан ва бошқа сан'аткорлар томонидан ишланган йирик расмлар Октябрь социалистик революциясига генерал репитиция бўлган биринчи рус революцияси воқиаларини чуқур тушуниб олишга имкон берди. Биринчи рус революцияси алангаси чоризмнинг ишонган таянчи — армия ва флотга ҳам ёйилган эди.

Музей экспонатлари бизни рус-япон уруши воқиаларидан 1905 йил январь воқиаларига олиб ўтади. «Қонли якшанба» воқиасига бағишланган кўплаб экспонатларни кўздан кечирамиз. Содда халқ поп Гапоннинг гапига кириб қаттиқ алдэнади. Бут ва туғлар кўтариб, подшодан раҳмшафқат сўраб борган халойиқ ўққа тутилади, қуролсиз аламон қонга беланди. Бу қонли якшанба воқиаси рассом В. Маковский ишлаган «1905 йил 9 январь» полотносида яққол акс этган.

1905 йилнинг декабрида ўзининг энг юксак чўққисига чиққан революция боробора сусаяборади. Чоризм қўзғолончилардан шафқатсизлик блан ўч олабошлайди. Революцион кураш кучайган даврда ғоят моҳирлик блан унга раҳбарлик қилаолган большевистик партия энди маглубиятга учраган революция кучларининг саросимага тушмай тартиб блан чекинишини та'минлаш учун курашди.

Кейинги залга қўйилган экспонатлар Лена воқиалари блан бошланган революцион кўтарилиш ва биринчи жаҳон уруши даврида большевистик партия ва матбуот олиб борган революцион кураш тўғрисида ҳикоя қилади. «Правда» газетасининг фаолияти тўғрисида ҳам кўпгина экспонатлар қўйилган.

Музейнинг кейинги беш зали шонли 1917 йилга — Улуғ Октябрь революцияси йилига бағишланган. Залларни биринкетин тамоша қилиб борар экансиз, музей гўё катта бир китоб-у, унинг саллари бу китобнинг салмоқли бобларидек туюлади.

Бу залларда бирига қиравершда кўзингиз даф'атан В. Серов ишлаган катта бадиий полотнога тушади. Полотно революциянинг улуғ йўлбошчиси В. И. Ленининг чет элдан Россияга, революцион Петроградга қайтиш вақтини акс этдиради. В. И. Ленин Финляндия вокзали майдонида броневик устида туриб тарихий нутқ сўзлайди, у ўз нутқини «Яшасин социалистик революция!» деб тугатади. Бундан кейинги воқиалар яшин тезлигида ривожланиб боради: В. И. Ленининг апрель тезислари, РСДРП (б)нинг VII (апрель) Бутунроссия конференцияси, большевистик партиянинг омма учун кураши, июль намойишининг ўққа тутилиши, РСДРП(б)нинг VI с'езди ва партиянинг қуролли қўзғолонга тайёрланабошлаши, Корнилов ис'ёнининг тор-мор қилиниши, Советларнинг большевиклашиши ва революцион ситуациянинг тобора етилиши, Октябрь қуролли қўзғолони ва унинг ғалабаси, Советларнинг Бутунроссия II с'езди каби тарихий воқиалар хилма-хил экспонатлар ва кўплаб тарихий ҳужжатларда тўла акс этдирилган.

Рассом П. Васильев ишлаган «Бундай партия бор!» расми олдида тамошабинлар узоқ тўхтаб қоладилар. Бу расм бизнинг кўз олдимизда 1917 йил июньда бўлиб ўтган ишчи ва солдат депутатларининг Бутунроссия I с'ездини жонлантиради. Меньшевик бошлиқлардан бири — Церетелининг: бизда ҳозир ҳокимиятни қўлга олишга қодир бўлган партия йўқ, деб айтган гапига В. И. Ленин ўрнидан туриб: «Бундай партия бор!» деб хитоб қилмоқда. Дарҳақиқат бундай партия бор эди, у қийинчиликлардан, қурбонлар беришдан қўрқмай, халқ оммасини ҳал қилучи жангларга дадил бошлаб борган большевиклар партияси эди; бу партия ҳокимиятни қўлга олгач, уни моҳирлик блан бошқаришга лаёқатли эканини ҳам исботлади.

Шу залнинг тўрида И. Серебряний ишлаган ва ғолиблар тантанасини ифода этган катта расм осиғлиқ турипти. Смольнийнинг актлар зали. Залда ишчи ва солдат депутатлари — халқ сайлаб юборган вакиллар тўпиритилар. Бутун зал Ленининнинг отасини нутқини чуқур ҳаяжон блан тингламоқда. Президиум столи ёнида Ленининнинг шогирдлари ва сафдошлари Сталин, Свердлов, Дзержинский ва Коммунистик партия ҳамда Совет давлатининг бошқа раҳбарлари ўтириптилар. Расмнинг чап тарафига Совет ҳокимияти биринчи-Октябрь декретлари осиб қўйилган.

11 залдаги материаллар совет ҳокимиятининг бирин-кетин Украина, Белоруссия, Болтиқ бўйи ва Ўрта Осиёда ғалаба қилишини акс этдиради.

Музейнинг ақинда очилган олтита залидаги экспонатлар четэл қарбий интервенцияси ва граждан уруши йилларини ҳамда халқ хўжалигини тиклаш учун тинч қурилишга ўтиш даврини акс этдиради.

Янги залларга қўйилган экспонатлар орасида Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг халққа қарата чиқарган мурожаати бор. Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг Ленин раислигида Ишчи ва Деҳқон Мудофаа Советини тузиш тўғрисида 1918 йил 30 ноябрьда чиқарган қарорининг текстн ҳам экспонатлар қаторига қўйилган.

Бўлимлардан бири Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг барпо этилишига бағишланади. Шу бўлимга Совет Иттифоқининг биринчи Конституцияси текстн қўйилган. Бу бўлимдаги материаллар мамлакатимиз халқлари дўстлигини ифодалайди, миллий республикаларимиздаги социалистик қурилишни тасвирлайди.

Янги очилган бўлимлар Ватанимиз тарихида янги даврмаданиятини э'лон қилган партиямиз XIV с'ездига бағишланган экспонатлар блан тугалланади.

СССР Революция Давлат Музейи — партиямиз ва халқимиз шонли революцион тарихини ўрганишда бой хазинадир. Шунингдек музей дун'ё халқларининг совет халқи ва Коммунистик партияга бўлган чуқур муҳаббати, ҳурматининг ёрқин гувоҳидир.

В. АБДУЛЛАЕВ.

Москва шаҳри.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин ҳузурида Бирма Иттифоқи Бош Министри У Ну шарафига зиёфат

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин 3 ноябрьда Катта Кремль Саройида Бирма Иттифоқи Бош Министри У Ну шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Бирма томонидан Бош Министр У Ну, унинг рафиқаси До Мья И, Бирманинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси У Монг Он, Бош Министрнинг ҳамроҳлари: Бирманинг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси У Хла Маунг, Бирманинг Буюк Британиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси У Чин ва унинг рафиқаси Чин хоним, Бош Министрнинг секретари У Тан, полковник Аунг Джи, У Хла ва У Нве, шунингдек Бирма Иттифоқининг Та'минот министри, СССРга келган Бирма ҳукумат ҳарид миссиясининг бошлиғи Бо Мин Гаунг ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, Н. С. Хрушчев, А. Б. Аристов, П. Н. Поспелов, Д. Т. Шепилов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. П. Завенягин, А. Н. Косигин, В. А. Кучеренко, П. П. Лобанов, И. Ф. Тевосян, М. В. Хруничев, РСФСР Министрлар Совети Раиси А. М. Пузанов, СССР Олий та'лим министри В. П. Елютин, Ташқи савдо министри И. Г. Кабанов, СССР Соғлиқни сақлаш министри М. Д. Кавригина, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов, Иқтисодий алоқа ишлари билан шуғулланувчи бош бошқарма бошлиғи К. И. Коваль, Совет Иттифоқи Маршали И. Х. Баграмян, Авиация Бош Маршали П. Ф. Жигарев, Армия генерали И. А. Серов, ТАСС мас'ул раҳбари Н. Г. Пальгунов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари В. А. Зорин ва Н. Т. Федоренко, Ташқи савдо министрининг ўринбосари М. Р. Кузьмин, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Е. А. Фурцева, Москва шаҳар Совети Ижрокомининг раиси М. А. Яснов, СССРнинг Бирмадаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. Д. Шчиборин, СССР Фанлар академиясининг президенти А. Н. Несмеянов, совет хотин-қизлари Антифашист комитетининг раиси Н. В. Попова, СССР ТИМ Шарқи-Жанубий Осиё бўлимининг мудири Б. М. Волков, СССР Министрлар Совети Раисининг Протокол бошлиғи Е. А. Тарабрин, СССР ТИМ Протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, СССР Министрлар Советининг мас'ул ходими Н. П. Цигичко ҳозир бўлдилар.

Зиёфат вақтида нутқлар сўзланди.

Зиёфат дўстона, самимий вазиятда ўтди. (ТАСС).

БИРМА БОШ МИНИСТРИ У НУ ҲУЗУРИДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

3 ноябрьда совет ва четэл журналистларидан 100 дан кўпроқ киши ҳозир бўлгани ҳолда, Бирма Иттифоқи бош министри У Ну ҳузурида матбуот конференцияси бўлди. Бош министр У Ну матбуот конференциясида ўзига берилган жуда кўп саволларга жавоб қайтарди.

Бош министр У Ну Совет Иттифоқида қилган саёҳатидан олган таассуротлари тўғрисида гапириб, совет кишиларининг дўстсеварлигини қайд қилиб ўтди.

— Биз, — деди бош министр, — Совет Иттифоқининг бирнеча республикаларида бўлдик. Ҳамма жойда бизни халқ қучоқ очибгина эмас, ба'зи жойларда бизни дўстлардек-уёқда турсин, ҳатто қариндош ва ёр-оғайнилардек кутиб олдилар.

Совет Иттифоқининг экономика соҳасидаги муваффақиятлари ва, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбирлари,—деди сўнгра бош министр У Ну ,— менда катта таассурот қолдирди. Мен қишлоқ хўжалик соҳасида Бирмага катта фойда етказиши мумкин бўлган кўпгина нарсаларни кўрдим ва ўргандим.

Совет Иттифоқининг маданиятни ривожлантиришда жуда юксак даражага эришганлиги ҳам мени ҳайратда қолдирди. Мен совет балетини жуда завқланиб тамоша қилдим, операларни ва ашула ансамбльларини тингладим.

— Совет ҳукумати, — деди бош министр У Ну, — меҳнаткашлар оммасининг аҳволини яхшилаш тўғрисида катта ғамхўрлик қилмоқда.

Бош министр У Ну СССР да хотин-қизларнинг, шу жумладан, аҳолиси мусулмон бўлган совет республикаларидаги хотин-қизларнинг тўла тенг ҳуқуқли ва эркин эканликларини алоҳида қайд қилиб ўтди. У, Совет Иттифоқида будда динидаги кишилар диний э'тиқодда ва диний урф-одатларни бажаришда эркли эканликларини ҳам кўриб қаноат ҳосил қилдим, — деди.

Бош министр У Ну мухбирларнинг саволларига жавобан, СССР билан товар айирбошлаш ва Бирмага техника ёрдами бериш тўғрисида битим тузилганлигидан ўзининг мамнун эканлигини айтди.

У Ну, Совет Иттифоқи Бирма таклиф қилган шартлар билан Бирмага техника ёрдами кўрсатишга розилик билдирган биринчи мамлакат бўлди, деб уқтириб ўтди.

Бирма бош министри Бирманинг халқаро масалалардаги позицияси тўғрисидаги бирқанча саволларга жавоб берди. У Ну, ўзининг фикрича, Осиёда ва Узоқ Шарқда кескинликни юмшатишга нима кўпроқ ёрдам бериши мумкинлиги тўғрисида гапириб дедики, ўзаро борди-келди қилиш ва мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш катта ёрдам бериши мумкин. Мен ҳамиша, — деди бош министр, — одамлар ўртасида алоқалар боғлаш—тинчликни мустаҳкамлашнинг энг яхши воситасидир деб ҳисоблаб келганман. У Ну Бандунг конференциясини мисолга олиб, бу конференцияда Бирма ўзининг дўстона муносабатларини анча кўп мамлакатлар блан кенгайтираолди, — деди.

У Ну Бирманинг ташқи сиёсат соҳасидаги йўли тўғрисида гапириб, Бирма ҳеч-қандай блокларда қатнашмасликни тинчликни ва ҳавфсизликни сақлашнинг энг яхши воситаси деб ҳисоблайди, — деди. Бошқа ҳеч-қандай блокларга нисбатан ҳеч-бир мажбуриятлар блан боғланмаган мамлакат бўлган Бирма, деди У Ну, ҳамма мамлакатлар блан дўстона муносабатларда бўлиши мумкин. Биз бундан буён ҳам, деди У Ну, ҳарқандай блокларга қўшилишдан ўзимизни тиямиз. (ТАСС).

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ СЕЙМИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ СССРГА КЕЛИШИГА ДОИР

СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Раислари А. П. Волков ва В. Т. Лацис Польша Халқ Республикаси сеймининг мэршали Я. Дембовскийга қуйидаги мазмунда мактуб юбордилар:

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Польша Халқ Республикаси сеймининг делегациясини Совет Иттифоқига келишга таклиф этиш шарафигэ муяссардир.

Биз ишонамизки, Польша Халқ Республикаси сейми делегациясининг СССРга келиши халқларимиз ўртасидаги бузилмас қардошларча дўстликни ҳамда Совет Иттифоқи блан Польшэ Халқ Республикаси ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

Таклифимизни қабул қилганлигингиз ҳақида ва СССРга келишнинг сейм делегацияси учун мақбул бўлган вақти тўғрисида хабардор қилганлигингиз учун сизлардан миннатдор бўлур эдик».

Я. Дембовский А. П. Волков ва В. Т. Лацис номигэ ёзган жавоб хатида бундай деб хабар қилди:

«Польша Халқ Республикасининг сейми Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг Польша Халқ Республикаси сейми делегациясини Совет Иттифоқига чақирган таклифини хурсандчилик блан қэбул қилганлигини билдириш шарафига муяссарман.

Биз СССР Олий Совети делегациясининг яқинда Польшада бўлганлигини самимият блан хотиримизда сақлаганимиз ҳолда, делегациямизнинг Совет Иттифоқида бўлиши ва сейм депутатлари блан СССР Олий Совети депутатларининг ўзаро учрашувлари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Польша Халқ Республикаси ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Таклифингизни қабул қилганлигингиз ҳақида Совет Иттифоқи Олий Совети делегациясини ва Польша Халқ Республикаси сейми делегациясини ўз вақтида хабардор қилиш учун сизлардан миннатдорман».

В. М. Молотовнинг ГДРнинг Женева кенгашидаги кузатучилари делегацияси бошлиғи Георг Хандке блан учрашувлари

ЖЕНЕВА, 3 ноябрь. (ТАСС). Женева кенгаши вақтида СССР Ташқи Ишлар министри В. М. Молотов ГДРнинг Женевада бўлаётган Министрлар кенгашидаги кузатучилари делегацияси бошлиғи, ГДР ташқи ишлар министрлигининг статс-секретари Георг Хандке блан доимо алоқа қилиб турибди. ГДРнинг Г. Хандке, В. Гириус, М. Шпангенберг, В. Мейснер, В. Бергольд ва В. Миттиглардан иборат кузатучилар делегацияси кенгаш бошланган вақтда Женевага келиб, Совет делегацияси блан доимий алоқа ўрнатди.

ГДР кузатучилари делегацияси блан бўлган учрашувларда совет делегацияси томонидан А. А. Громико, Совет Иттифоқи Маршали В. Д. Соколовский ва Г. М. Пушкин қатнашдилар.

В. М. Молотов Италиянинг Женева кенгашидаги кузатучиси Ренато Бова-Скоппа жанобларини қабул қилди

ЖЕНЕВА, 3 ноябрь. (ТАСС). СССР Ташқи Ишлар министри В. М. Молотов бугун Италиянинг тўрт давлат ташқи ишлар министрлари кенгашидаги кузатучиси элчи Ренато Бова-Скоппа жанобларини қабул қилди ва унинг блан тўрт давлат ташқи ишлар министрлари кенгашининг иши блан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан, шунингдек Совет-Италия муносабатлари ҳақида суҳбат қилди.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ 1955 ЙИЛ 7 НОЯБРЬДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БЎЛАДИГАН НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

Намойиш эрталаб соат 11 да бошланади.

Намойишда қатнашучи меҳнаткашлар, корхоналар ва муассасалар бўйича ўз йиғилиш пунктларига тўпланадилар ва белгиланган маршрут блан колонналарга уюшган ҳолда, Қизил майдонга томон йўл оладилар.

Махсус пропускалари бўлган кишилар Қизил майдонга соат 9—45 минутгача қўйилади.

Махсус пропускалари бўлган автомашиналардан ташқари барча турдаги транспортларнинг ҳаракати соат 7 да тўхтатилади ва улар намойиш тамом бўлгандан сўнг юрабошлайдилар.

Тартибни кузатиб туриш ва намойишчилар колонналарининг ҳаракатини уюштириш Тошкент шаҳар милиция бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Қаландаровга** юклатилган.

Тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг Женевадаги кенгаши

ЖЕНЕВА, 3 ноябрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Кеча бешинчи мажлисда Франция, Англия, Совет Иттифоқи ва АҚШ ташқи ишлар министрлари кун тартибидаги биринчи масалани — Европа ҳавфсизлиги ва Германия масаласини муҳокама қилишни давом этдирдилар.

Биринчи бўлиб сўзга чиққан **Г. Макмиллан** айтдики, Европада ҳавфсизлик тўғрисида бундан олдинги мажлисда В. М. Молотов томонидан тақдим этилган шартнома проекти ғарб давлатларининг ҳавфсизликни та'минлаш масалалари юзасидан киритган таклифларида баён қилинган масалаларнинг қарийб ҳаммасига тааллуқлидир.

Шу блан бирга, Г. Макмиллан, ўз фикрича, кенгаш муҳокамасига тақдим этилган икки план ўртасида бўлган энг муҳим тафовутларни кўрсатди. Ана шу тафовутлар, Г. Макмилланнинг фикрича, шундан иборатки, ғарб давлатларининг таклифлари асосий замин сифатида Германияни қайтадан бирлаштириш зарурлигига таянади, совет таклифлари эса «гўё бу вазифани э'тиборсиз қолдиради ва Германияни бўлиб юборишга асосланади».

Европада ҳавфсизлик тўғрисидаги совет шартномаси проектининг 8-нчи моддасида бундай дейилади: «Шартнома муваққат характерга эгадир ва Европа ҳавфсизлиги тўғрисида янада кенгроқ миқ'ёда тузиладиган ва мавжуд шартнома ҳамда битимларнинг ўрнини босадиган бошқа шартнома блан алмашинганига қадар ўз кучида қолади». Макмилланнинг ана шу 8-нчи моддага тўхталиб, Англия делегацияси 8-нчи моддага қарши э'тироз билдирмайди, деди. Аммо у, Англия делегациясининг фикрича, Европадаги ҳавфсизлик шундай ташкил этилиши лозимки, НАТО ва Ғарбий Европа иттифоқи дахлсиз бўлиб қолиши керак, деб яна уқтириб ўтди.

Шундан кейин В. М. Молотовнинг Европа ҳавфсизлиги масаласи ҳақидаги баёноти ва унинг Европада ҳавфсизлик тўғрисидаги шартнома юзасидан тақдим этган проекти тўғрисида **Д. Даллес** ва **А. Пинэ** ўз мулоҳазаларини айтдилар.

Мен, деди Д. Даллес, кун тартибидаги биринчи масаланинг биринчи ярми юзасидан, я'ни ҳавфсизлик тўғрисидаги масала юзасидан бўлган дискуссия позицияларимизни анча яқинлаштириди, деб ҳисоблайман.

Даллеснинг айтишича, бу яқинлашув шу нарсада кўринадики, ғарб давлатларининг ҳавфсизлик масалалари тўғрисидаги таклифларининг 1-нчи моддаси ҳавфсизлик тўғрисидаги совет шартномаси проектининг 1-нчи моддасини эслатади ва агрессорга ёрдам беришдан бош тортиш принципи ҳар икки таклифда мавжуддир. Алоҳида тадбирлар қўлланиладиган зонани белгилаш тўғрисидаги фикр, деди у, бу зонада қуролли кучларнинг қат'ий миқдорларини белгилаш ва ўзаро инспекция ўрнатиш тўғрисидаги фикр, консультациялар тўғрисидаги, коллектив суратда ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқини э'тироф қилиш тўғрисидаги фикр, бир томоннинг талаби блан иккинчи томоннинг ўз қуролли кучларини олиб чиқиб кетиши тўғрисидаги фикр, агрессияга қаршилик кўрсатиш принципи ҳам ҳар икки таклиф учун умумийдир, гарчи, деди Даллес, бу принципларни та'бирлаш ҳамиша бирхилда бўлмаса ҳам, бу фикрлар умумийдир.

Аммо, деди Даллес, биз кун тартибидаги биринчи модданинг иккинчи ярми юзасидан, я'ни Германияни қайтадан бирлаштириш юзасидан ҳозирча ҳеч-қандай мувaффақиятга эришмадик. Макмиллан каби Даллес ҳам, Совет Иттифоқи кун тартибидаги биринчи модданинг иккинчи қисми юзасидан ўз таклифларини тақдим этсин, деди.

А. Пинэ ана шу истакни қувватлади. А. Пинэ бундай деди: ғарб давлатлари блан Совет Иттифоқининг позициялари ўртасидаги муҳим тафовут шундан иборатки, Совет делегацияси Германия федерал республикаси ҳамда Шарқий Германия ҳавфсизлик системасининг қатнашчилари бўлиши керак, деган фикрни қувватлайди, ҳолбуки, ғарб давлатлари Европа ҳавфсизлиги Германияни қайтадан бирлаштиришга асосланмаслиги керак, деган фикрга қўшилолмайдилар.

Шундан кейин, **В. М. Молотов** сўз олди.

Молотов ўз баёнотининг бош қисмида Даллеснинг Европа ҳавфсизлигини та'минлаш масаласи юзасидан ўзаро баён қилинган фикрлар катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги фикрига қўшилди. В. М. Молотов бундай деди: Даллес жанобларининг дастлабки кунларда бажарган ишларимизнинг натижаларига берган ижобий баҳоси унинг барча масалалар юзасидан бир қарорга келдик деб ўйлаганлигини кўрсатмайди. Ҳаммамиз худди шундай фикрдамиз, албатта.

Биз, айрим моддалар юзасидангина эмас, балки асосий масалада бир фикрга келсак яхши бўлур эди, чунки бу нарса масалани ҳал этади. Бизларнинг ҳеч-қайсимиз бирлашган Германияни ремилитаризация қилиш ва уни ҳарбий гуруҳларга қўшиш каби ишларни ўз олдимизга мақсад қилиб қўймаслик тўғрисида бир қарорга келсак яхши бўлур эди, чунки бирлашган Германияни ремилитаризация қилиш ва уни ҳарбий гуруҳларга қўшиш ишнинг асосий негизига, я'ни Европа ҳавфсизлигини та'минлаш вазифасига тамомила зиддир.

Совет делегациясининг бошлиғи айтдики, Германия тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш вақтида шу кенгашда герман халқи вакилларининг иштирок қилмаётганлиги бу проблемани қараб чиқиш давомида салбий та'сир кўрсатмай қолаолмайди.

Сўнгра, Молотов уқтириб ўтдики, Европадаги ишларнинг аҳволини қараб чиққан пайтда шунга асосланиш керакки, асосий масала Европа ҳавфсизлиги тўғрисидаги масаладир, Германия масаласи эса Европада ҳавфсизликни та'минлаш тўғрисидаги масалага бўйсунган ҳусусий масаладир. Биз Германия масаласининг аҳамиятини сра ҳам камситиш ниятида эмасмиз.

Германия тақдирининг, деди Молотов, бир авлоднинг умри давомида Европада икки марта уруш бошлаган кучларнинг қўлига яна ўтиб қолишига йўл қўйиш мумкин эмас...

Европа ҳавфсизлиги ва Германия тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш

Гитлерчилар агрессиясидан энг кўп жафо чеккан европа давлатлари учун Европа ҳавфсизлиги тўғрисидаги талаб Германиянинг истиқболи тўғрисидаги масалани қараб чиққан пайтда асосий ва ҳал қилучи талабдир.

Молотов айтдики, Совет Иттифоқи Европа ҳавфсизлиги тўғрисидаги масалани бу масаладан халос бўлмоқ учун эмас, балки Европа халқларининг чинакам ҳавфсизлигини та'минлайдиган йўлларни ҳақиқатан ҳам топиш учун илгари сураётир.

Бир-бирига қарама-қарши бўлган ҳарбий гуруҳлар ўрнига Европада коллектив ҳавфсизлик системасининг вужудга келтирилиши Европадаги барча халқларнинг ҳавфсизлигини та'минлаган бўлур эди, эўр бериб қуролланишни тўхтатишга ва давлатлар ўртасида ишонч ўрнатишга ёрдам берган бўлур эди.

Совет Иттифоқининг 31 октябрьда кенгаш муҳокамасига тақдим этган бошқа таклифи, я'ни Европа ҳавфсизлиги тўғрисида ва Европада қуролларни чеклаш зонасини вужудга келтириш тўғрисида шартнома тузиш ҳақидаги таклифи ҳам, деди Молотов, ана шу мақсадга жавоб беради. Аввало, Европанинг бир қисми учун шартнома тузилиши мавжуд ҳарбий гуруҳларни тугатиш шарти блан кейинчалик Умумевропа ҳавфсизлик системасини вужудга келтириш йўлида асос бўлаолур эди.

Сўнгра, Совет делегациясининг бошлиғи уч давлатнинг совет ҳукумати таклифларига қарама-қарши қўйилган проекти ҳақидаги мулоҳазаларини айтди.

СССРнинг Европада коллектив ҳавфсизлик тўғрисидаги таклифи, шунингдек 31 октябрьдаги совет таклифи Германияни «парчаланган ҳолда қолдираберади» деган да'воларни совет делегациясининг бошлиғи рад этди.

Агар, деди Молотов, фактларга асосланиб иш кўриладиган бўлса, совет ҳукуматининг Европа ҳавфсизлиги тўғрисидаги таклифлари Германияда вужудга келган реал аҳволни ҳисобга олишга асосланганлиги равшан бўлиб қолади.

Ма'лумки, иккита мустақил суверен герман давлати — Германия Демократик Республикаси ва Германия федерал республикаси бор, уларнинг ижтимоий системалари турличадир. Шу аҳволни ҳам э'тиборга олиш керакки, Ғарбий Германиянинг тараққиёти ремилитаризация йўлидан бормоқда ва Париж битимларига мувофиқ Ғарбий Германия ғарб давлатларининг ҳарбий гуруҳларига жалб этилган. Бундай шароитда кимлар мустаҳкамроқ заминда турибди — реал фактлар блан ҳисобланиб, Германиянинг ҳар иккала қисмини бир-бири блан яқинлаштириши уларнинг бошқа давлатлар блан биргаликда Европа ҳавфсизлигини та'минлаш соҳасидаги умумий ишда актив қатнашишлари блан боғлайдиган кишиларми, ёки ҳали мавжуд бўлмаган бирлашган Германияни Европа ҳавфсизлиги тўғрисидаги у ёки бу битимларда қатнаштириш ҳақида гапираётган кишилар мустаҳкамроқ заминда турибдими, деган савол туғилади. Ана шу саволга жавоб бериш қийин эмас, чунки ҳозирги шароитда Европа ҳавфсизлигини та'минлаш тўғрисидаги масалани ҳозирча мавжуд бўлмаган бирлашган Германия блан боғлаб ҳал этиш Европада ҳавфсизлик системасини ташкил этиш тўғрисидаги масалани ҳақиқатда кун тартибидан олиб ташлаш демакдирки, бунга қўшилиш мумкин эмас. Сўнгра Молотов ғарб давлатларининг проекти Европа ҳавфсизлиги манфаатларига жавоб беради ва ҳатто Совет Иттифоқининг ҳавф-хатардан холи бўлишига қандайдир гарантия беради деган гапларнинг асоссиз эканлигини кўрсатди.

Бизга таклиф қилинаётган нарсаларни, деди Молотов, қуйидагича та'бирлаш мумкин бўлур эди, я'ни бизга: Европа ҳавфсизлиги тўғрисида у ёки бу шартноманинг имзоланишини истар экансиз. Германияга нисбатан бизнинг шартларимизни қабул қилишингиз керак — бирлашган Германиянинг ремилитаризация қилинишига ва уни Шимолий Атлантик блоки (НАТО)га қўшишга рози бўлишингиз керак, демоқчи бўладилар, мана бу — Совет Иттифоқининг ҳавф-хатардан холи бўлишига гарантия бериш деб аталибди! Ма'лумки, Шимолий Атлантик блоки СССРга қарши қаратилгандир.

Сўнгра, Совет делегациясининг бошлиғи Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг ташқи ишлар министрлари кенгашига қилган мурожаатига тўхталиб ўтди ва ГДР ҳукуматининг Европада коллектив ҳавфсизлик системасини вужудга келтириш тарафдори эканлигини мамнуният блан та'кидлади.

Молотов икки герман давлатидаги ижтимоий тартибларнинг турлича эканлигини айтиб, бундай деди: Германия масаласи шу тарзда ҳал этилиши керакки, ҳар иккала давлатни Европа ҳавфсизлиги доирасида яқинлаштириш йўли топилиши лозим, бундай яқинлашув Германияни тинчликсевар ва демократик давлат сифатида миллий жиҳатдан қайтадан бирлаштиришга олиб келиши керак.

Биз, деди Молотов, Германияни бирлаштириш ва эркин умумерман сайловлари тарафдоримиз. Биз, умумерман сайловларини ўтказиш учун ҳам фурсат келажагига ишонамиз. Аммо, ҳозирги шароитда сайловлар тўғрисидаги масалани Германияда рўй берган аҳволдан ажратиб алоҳида қараш мумкин эмас. Молотов Германияни бирлаштириш йўллари тўғрисида гапириб, бундай деб уқтириб ўтди: Ҳозирги шароитда Европа ҳавфсизлигининг самарали системасини вужудга келтириш, Европадаги кескинликни янада камайтириш ва Германия Демократик Республикаси блан Германия Федерал Республикасини ҳақиқатан ҳам яқинлаштириш ва улар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш йўли блангина Германия проблемасини ва Германияни бирлаштириш масаласини ҳал этиш мумкин.

Совет делегациясининг бошлиғи ГДР ҳукуматининг, Германия Демократик Республикаси ўз демократик ва социал ислоҳотларидан воз кечаолмайди ҳамда Германияни бирлаштириш вақтида ГДРнинг ҳам, ГФРнинг ҳам, манфаатлари муносиб суратда ҳисобга олиниши керак, деган баёнотини э'тиборга олиш зарур эканлигини кўрсатди.

Молотов Германия проблемасини ҳал этиш учун тўрт давлатнинг Германиянинг ҳар иккала қисми блан — ГДР ва ГФР блан муносабатларини нормаллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини та'кидлаб, СССР блан ГФР ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигини эслатиб ўтди. Уч ғарбий давлат учун ҳам, деди Молотов, Германия Демократик Республикасига нисбатан бўладиган муносабатларда ана шундай йўллар очиқдир.

Германия икки қисмини бир-бирига яқинлаштириш ва Германияни бирлаштириш, деди Молотов, аввало, немисларнинг ўз ишидир, шу блан бирга тўрт давлат Германия проблемасини ҳал этиш учун қулай шароитлар вужудга келтиришга ёрдам берадиган ва ўз қўлларидан келадиган тадбирларни ҳозирнинг ўзидаёқ кўраолур эдилар.

Совет ҳукумати ана шундай тадбирлар сифатида, Германияда жуда чекланган контингентларнигина қолдириш шарти блан четэл қўшинларини уч ой муддатда Германия территориясидан ўзларининг миллий чегаралари доирасига олиб чиқиб кетишни таклиф этади. Шу блан бирга, Европа ҳавфсизлиги манфаатлари йўлида ва Германиянинг ҳар иккала қисмини бир-бири блан яқинлаштиришга имконият берадиган шароитларни вужудга келтириш мақсадида ҳозирнинг ўзидаёқ ГДР ва ГФРнинг розилиги блан улардаги қуролли қисмларнинг миқдор составини чеклаш тўғрисида бир фикрга келиш мумкин бўлур эди.

Совет делегациясининг бошлиғи Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг мурожаатида умумерман кенгашини вужудга келтириш тўғрисида баён қилинган таклифни қувватлади. Совет делегациясининг бошлиғи совет ҳукуматининг тегишли таклифини кенгашнинг муҳокамасига тақдим этди. Бу таклифнинг тексти газетамизнинг ушбу сонида босилди.

Шундан кейин сўз олган **Д. Даллес** Германияни бирлаштириш масалалари юзасидан бир битимга келинган тақдирда, ҳавфсизлик масаласи юзасидан бир қарорга келиш мумкин эканлигини яна айтиб ўтди.

Даллес умумерман кенгашини вужудга келтириш тўғрисидаги совет таклифига тўхталиб, бу таклиф «амалий жиҳатдан мақбул бўлмаслиги устига, берилган директивалардан очиқдан-очиқ четга чиқишдир» деб да'во қилди.

Даллес сўзига илова қилиб бундай деди: мен совет делегацияси Германияда эркин сайловлар ўтказиш масаласи юзасидан ўз таклифларини тақдим этади ёки ғарб давлатларининг таклифига қўшилади, деб умид қиламан.

А. Пинэ совет делегацияси томонидан тақдим этилган таклифларни пухта ўрганиб чиқиш учун фурсати бўлмаганлигини айтиб, Совет Иттифоқининг таклифлари муайян характердаги иқтисодий, социал ва сиёсий тузумни герман халқига мажбуран қабул қилдириш мақсадини кўзда тутади, деган ма'нода гапирди. Унинг айтишича, ғарб давлатлари Германиянинг парчаланган ҳолда бўлишини тугатиш йўли блан Европадаги беқарорликка хотима беришга интилаётган эмишлар.

Шундан кейин, **Г. Макмиллан** сўзлади. У, бирлашган герман давлати эркин сайловлар натижасида вужудга келтирилиши керак, деган фикрга ҳамма рози эканлигини айтди. Аммо, деди у, бу нарса совет делегацияси таклиф этганидек, ҳар иккала герман давлати ўртасидаги келишув асосида эмас, балки эркин сайловлар йўли блан амалга оширилиши лозим.

Макмиллан, ҳавфсизликка тааллуқли масала юзасидан совет делегациясининг иккинчи таклифи ғарб давлатларининг нуқтаи назарини э'тиборга олади, деди. Макмиллан, совет делегацияси Германияни қайтадан бирлаштириш тўғрисидаги, эркин сайловлар ва мустақил герман ҳукуматининг мавжудлиги тўғрисидаги масалада ҳам ғарб давлатларининг позицияси блан яқинлашиш йўлидан борса эди, деган истакни билдирди.

В. М. Молотов, совет делегацияси АҚШ, Франция ва Буюк Британия делегацияларининг совет таклифини ўрганишга тайёр эканликлари тўғрисида айтганларини э'тиборга олади, деди.

Совет делегациясининг бошлиғи ўз баёнотида Совет Иттифоқи умумерман сайловларини ўтказиш тарафдори эканлиги тўғрисидаги фикр тамомила очиқ-равшан баён қилинганлигини эслатиб ўтди.

Шу муносабат блан совет делегациясининг бошлиғи, ҳукуматлар бошлиқларининг директиваларига мувофиқ, Германия масаласини ҳал этиш ва Германияни эркин сайловлар воситаси блан қайтадан бирлаштириш ҳарқандай шароитда эмас, балки герман халқининг миллий манфаатларига ва Европа ҳавфсизлиги манфаатларига мувофиқ суратда амалга оширилиши лозим, деб эслатиб ўтди.

Молотов уч министрнинг ҳар иккала герман давлатини бир-бири блан яқинлаштиришни қувватлаш ва шу мақсадда умумерман органини вужудга келтириш вазифасини амалга оширишга ёрдам бериш тўғрисида совет делегацияси томонидан тақдим этилган конкрет таклиф ҳақида мутлақо гапирмаганликларига тааажжубланганлигини билдирди. Ҳаммамиз, деди Молотов, биз ҳозир муҳокама қилаётган масала юзасидан позицияларимиз яқинлашганлигини қайд қилмоқдамиз. Германияни бирлаштириш тўғрисидаги қуруқ ва'даларга асосланган декларатив тарзда эмас, балки Германияни реал суратда бирлаштиришга тайёргарлик кўриш йўлида биринчи қадам бўладиган масала юзасидан ҳам ўз позицияларимизни яқинлаштиришимиз мумкин эмасми, ахир. Буерда герман халқига унинг ўз ҳоҳишини изҳор қилиш имкониятини бериш истаги борлигини ҳамиша рўкач қилаётганликлари ғалати бир ҳолдир. Аммо, модомики шундай экан, кенгашимизда герман халқи вакилларининг фикрини эшитишдан қўрқишимизнинг сабаби нима...

Молотов, совет делегацияси Даллес, Пинэ ва Макмилланнинг бирқанча масалалар юзасидан СССР ва ғарб давлатларининг позициялари бир-бири блан яқинлашди деган гапларига қўшилади, деди ва сўзининг охирида, ғарб давлатларининг делегациялари совет таклифлари блан батафсил танишиб чиққанларида, улар ана шу таклифларни кўпроқ ма'қуллай оладилар ва шундан кейин позициялар янада кенгроқ миқ'ёда яқинлашади ҳамда янада кўпроқ амалий натижалар беради, деб ишонч билдирди.

Умумерман кенгашини вужудга келтириш тўғрисида

(СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ ТАКЛИФИ)

СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция ташқи ишлар министрлари Германия Демократик Республикаси ва Германия Федерал Республикасининг ҳартомонлама ҳамкорлигини ривожлантиришга ҳамда Германия масаласини ҳал этиш учун ва герман халқининг миллий манфаатларига ҳамда Европа ҳавфсизлиги манфаатларига мувофиқ суратда эркин сайловлар ўтказиш йўли блан Германияни қайтадан бирлаштириш учун шароит тўғдиришга ёрдам беришга қаратилган интилишга амал қилиб, қуйидагиларни билдирадилар:

Герман халқи ягона давлатда яшаш имкониятидан маҳрум бўлган ҳозирги шароитда ГДР блан ГФР ҳамкорлигини йўлга қўйиш тобора жуда зарур бўлиб қолмоқда. Бу чора Германияни миллий жиҳатдан қайтадан бирлаштириш вазифасини ҳал этишни енгиллаштиради. Германия Демократик Республикаси блан Германия Федерал Республикасининг герман халқининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти соҳасидаги тадбирларини, шунингдек тинчликни мустаҳкамлаш ишида бошқа давлатлар блан ҳамкорлик соҳасидаги тадбирларини мувофиқлаштириб олиб бориш учун улар ўртасида келишув йўли блан умумерман органини вужудга келтириш шу мақсадга жавоб берган бўлур эди.

Қуйидаги принциплар асосида тузиладиган умумерман кенгаши герман халқининг ана шундай вакиллик органи бўлаолур эди:

1) Умумерман кенгаши ҳал этилишидан Германия Демократик Республикаси ва Германия Федерал Республикаси манфаатдор бўлган масалаларни муҳокама қилиш учун консультатив орган сифатида Германия Демократик Республикаси ва Германия Федерал Республикаси парламентлари вакилларидан иборат тузилади.

2) Умумерман кенгаши ҳузурида ҳар иккала герман давлати ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларга тааллуқли масалалар юзасидан, герман валютаси ва ички герман молия расчётлари, таможня ишлари, почта ва телеграф, коммуникациялар масалалари ва ҳоказо масалалар юзасидан ГДР ва ГФР ҳукуматлари вакилларидан иборат аралаш комитетлар тузилади.

3) Умумерман кенгаши Германия Демократик Республикаси ва Германия Федерал Республикасининг чегараларини ҳамда территорияларини қўриқлашни та'минлаш зарур бўлган қисмларнинг миқдори, қуроллар, дислокацияси блан боғлиқ бўлган масалаларни мувофиқлаштиради.

4) Умумерман кенгаши Германия Демократик Республикасининг ва Германия Федерал Республикасининг Европа ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш соҳасидаги тадбирларда иштирок қилишларига тааллуқли бўлган масалаларни мувофиқлаштиради ва Германияни тинчликсевар ҳамда демократик давлат сифатида бирлаштириш учун замин вужудга келтириш блан боғлиқ бўлган масалаларни ўзаро келишув асосида қараб чиқади.

СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция ташқи ишлар министрлари Германия Демократик Республикаси ва Германия Федерал Республикаси умумерман кенгашини тузиш масаласи юзасидан битимга келиш учун зарур тадбирларни кўрадилар, деб ишонч билдирадилар.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/XI да **Чин муҳаббат**, 6/XI да кундуз **Алишер Навоий**, кечқурун **Қутлуғ қон.**

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/XI да **Бўронда**, 6/XI да кундуз **Доктор Айболит.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 3 бўлимда **цирк тамошалари.** Аттракцион — **Лўлилар** — «Узум байрамида». Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИ номли, «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (эрталаб соат 9—40 минутдан кундуз соат 3—40 минутгача, кеч соат 5, 5—40 минутда ва кеч соат 7 дан) — янги бадиий фильм **Янги қирғоққа.**

НАВОИЙ номли — кеч соат 10 да